

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ФИЗИКА ВА АСТРАНОМИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Физика ва астрономия фанларининг
инновацион тараққиёти ва стратегиялари

МОДУЛИ БҮЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиклаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

**Низомий номли ТДПУ,
ф-м.ф.д., проф. К.Насриддинов**

Тақризчи:

**Гейделберг педагогика университети (Германия),
профессор. Hans-Werner Huncke.**

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги
1/3.5- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	6
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	14
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	22
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	70
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	97
VI. ГЛОССАРИЙ	100
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	104

I. ИШЧИ ДАСТУР **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳдил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмuni, сифати ва

уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзиға хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Физика ва астрономия фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратининг доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Мазкур курснинг вазифалари:

- “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида акс этган вазифаларни амалга ошириш;
- олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш;

- профессор-ўқитувчиларда физика ва астрономияни ўқитища замонавий ёндошувларни амалга ошириш учун зарур бўлган методологик билимларни шакллантириш, кўникмаларни таркиб топтириш;
- таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш учун зарур бўлган методик билим, кўникма, малака ва компетенция (лаёқат)ни таркиб топтириш;
- ўқитувчиларни ўз педагогик фаолиятини таҳлил қилишга ўргатиш, таҳлилий – танқидий, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш;
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка эга педагогик кадрларнинг янги авлодини шакллантириш;
- физика ва астрономияни ўқитишинг методологияси ва назарий масалалари билан таништириш;
- физика ва астрономияни ўқитиши такомиллаштириш ва самарадорлигини орттириш йўллари билан таништириш.

Тингловчиларнинг методик билими, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Физика ва астрономия фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- олий таълим тизимида физика ва астрономияни ўқитища қўлланиладиган ёндошувлар ва тенденцияларни билиши;
- олий таълим тизимида физика ва астрономияни ўқитища қўйиладиган ҳозирги замон талабларини тасаввур қилиши;
- замонавий физика ва астрономия тараққиёт йўналишлари, энг сўнгги ютуқларини билиши ва ўз фаолиятида улардан фойдалана олиши;

- физика ва астрономия машғулотларига қўйиладиган талаблар, физика ва астрономиядан ташкил этиладиган маъruzаларнинг типлари ва турларини билиши;
- физика ва астрономия ўқитувчисининг касбий ва илмий - методик тайёргарлигининг таркибий қисмлари ҳақида **билимларга эга бўлиши**;

Тингловчи:

- физика ва астрономия таълим мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлиги, таълимнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш муаммоларини англаши;
- ўқитиш мазмунига оид ахборотларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва талabalар онгига етказиш йўлларини билиши;
- педагогика олий таълим муассасаларида физика ва астрономияни ўқитиш олдидаги долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари;
- физика ва астрономияни ўқитишга тизимли ёндошув, машғулотлар ва аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш йўлларини;
- педагогика олий таълим муассасаларида физика ва астрономияни ўқитиш бўйича маъруза, амалий ва семинар машғулотларида талabalарнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- талabalарнинг мустақил ишлари ва таълимини ташкил этиш, уларни илмий-тадқиқотларга йўналтириш;
- физика ва астрономия фанларни ўқитишда замонавий инновацион технологияларидан уйғунлаштирилган ҳолда фойдаланиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Физика ва астрономия фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Физика ва астрономия фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” модули мазмуни ўқув режадаги “Олий таълимда физика ва астрономия фанларини ўқитиш методикаси” ва “Педагогик квалиметрия” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ўз соҳасидаги жаҳон миқёсидаги янгиликлардан хабардор бўладилар ва бу ҳолат уларнинг касбий компетентлигини оширади.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

T/p	Модул мавзулари	Умумий соат	Жами аудитория соати	Назарий	Амалий	Мустақил таълим

1	Замонавий тадқиқотларнинг хусусиятлари, йўналишлари ва дунёқарааш шаклланишидаги ўрни.	2	2	2		
2	Бирлаштирувчи назариялар. Нейтрино физикаси.	4	4	2	2	
3	Замонавий тезлаткичлар. Катта адрон коллайдери.	4	4	2	2	
4	Нанофизика ва нанотехнологиялар.	4	4	2	2	
5	Тезлаткичларсиз астрозарралар физикаси.	2	2		2	
6	Катта портлаш назарияси.	2	2		2	
Жами		18	18	8	10	-

НАЗАРИЙ МАШғУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Замонавий тадқиқотларнинг хусусиятлари, йўналишлари ва дунёқарааш шаклланишидаги ўрни.

Замонавий тадқиқотлар хусусиятлари. Физика ва астрономия соҳасидаги тадқиқотлар характери. Физика ва астрономия соҳасидаги тадқиқот йўналишлари. Физика ва астрономия соҳасидаги янги шаклланган фанлар. Замонавий дунёқарааш ва унинг шаклланишида физика ва астрономиянинг ўрни.

2- мавзу: Бирлаштирувчи назариялар. Нейтрино физикаси.

Фундаментал ўзаро таъсиrlар. Уларни тушунтиришга йўналган назариялар. Оламнинг бирлиги. Олам тўғрисидаги тасаввурлар. Бирлаштирувчи назариялар мақсади. Бирлашиш назариялари тарихи. Бу назарияларни тасдиқловчи экспериментлар. Истиқболдаги режалар.

Нейтринонинг кашф қилиниши. Нейтрино табиати, хусусиятлари. Нейтрино осциляцияси. Нейтринони ўрганиш буйича олиб борилаётган экспериментлар. Коинот тузилишида нейтринонининг ўрни. Оламни ўрганишда нейтринонинг аҳамияти.

3- мавзу: Замонавий тезлаткичлар. Катта адрон коллайдери.

Тезлаткичлар зарралар физикасининг асосий қуроли. Уларнинг турлари ва ишлаш соҳалари. Катта адрон коллайдери, тузулиши, ишлаш

принципи, мақсад ва вазифалари. Катта адрон коллайдерида олинган натижалар. Истиқболдаги режалар. Кейинги авлод коллайдерлари.

4- мавзу: Нанофизика ва нанотехнологиялар.

Фан тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари. Янги фанларниң шаклланиши ва уларниң юзага келишидаги асослар. Нанофизиканиң шаклланиши, мақсад ва вазифалари. Нанотехнологияларниң пайдо бўлиши, мақсад ва вазифалари. Нанофизика ва нанотехнологиялар эришган ютуқлар. Бу фанлар ривожланишига жамиятниң муносабати.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Нейтрино физикаси

Жамоа бўлиб биргаликда нейтрино физикаси муаммолари, эришилган ютуқлар, олиб борилаётган тадқиқотлар, уларниң аҳамияти, нейтрино осциляцияси, истиқболдаги тадқиқотлар тўғрисида мустақил ва умумжамоа таҳлил материаларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва мустаҳкамлаш.

2-амалий машғулот:

Замонавий тезлаткичлар. Катта адрон коллайдери.

Тезлаткичлар, уларниң вазифалари, турларини таҳлил қилиш. Катта адрон коллайдери, тузилиши, мақсад ва вазифалари, ўзига хослиги, олинган натижалар ва унда бажарилиши режалаштирилаётган истиқбол экспериментларни изоҳлаш.

3-амалий машғулот:

Нанофизика ва нанотехнологиялар.

Нанофизика ва нанотехнологияларниң шаклланиши тарихи ва уларниң юзага келишидаги асослар, мақсад ва вазифалари, улар эришган ютуқлар ҳамда бунга жамиятниң муносабати ва истиқболдаги марралар интерфаол усуллар ёрдамида таҳлил қилиниб мавзу ҳар томонлама мустаҳкамланади.

4-амалий машғулот:

Тезлаткичларсиз астрозарралар физикаси.

Тезлаткичларсиз астрозарралар физикасининг барча бўлимларини интерфаол усулларни қўллаган ҳолда жамоа бўлиб таҳлил қилиб чиқиш. Ҳар бўлимнинг мақсад ва вазифаларини асослаш. Бу изланишларнинг аҳамиятини баҳолаш. Чуқур таҳлиллар асосида мавзуни мустаҳкамлаш ва хulosалар чиқариш.

5-амалий машғулотлар:

Катта портлаш назарияси.

Катта портлаш назарияси, унинг пайдо бўлишига олиб келган асослар, Катта портлаш босқичлари, Олам эволюциясининг кейинги босқичлари каби маъruzani мустаҳкамловчи жиҳатлар интерактив таълим технологиялари асосида мустаҳкамланади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва физика ва астрономиядаги янги ютуқларни англаб олиш, соҳа бўйича қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган фан янгиликлари ва муаммоларини мавжуд билим ва муаммолар билан боғлаш, маълум ечимлар бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантикий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (муаммолар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшлиши ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустахкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Намуна: Тезлатгичларсиз астрозарралар физикаси тадқиқот усусларининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Тезлатгичларсиз астрозарралар физикаси тадқиқот усусларининг кучли томонлари	Бу усусларда олинган натижалар реал воқийликни акс эттиради, яъни табиий жараёнлар ҳеч қандай ташки таъсирларсиз ўрганилади.
W	Тезлатгичларсиз астрозарралар физикаси тадқиқот усусларининг кучсиз томонлари	Тадқиқ қилишга ва статистика йигиши учун кўп вақт талашиб қилинади.
O	Тезлатгичларсиз астрозарралар физикаси тадқиқот усусларидан фойдаланишининг имкониятлари (ички)	Тадқиқот усуслари хам имкониятлари хам кўп.
T	Тўсиқлар (ташки)	Кўп харажатли ва катта ҳисоблашлар талаб қилувчи усуслардан фойдаланилади.

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни Тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Зарраларни тезлатиш усуллари

Чизиқли тезләтиш		Синхрон тезләтиш		Суперсинхрон тезләтиш	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиг и

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида кўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муаммоларнинг долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот	якка ва гурӯҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;

	ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш
--	--

Кейс. Лептон зарядининг сақланиш қонунига доир масала ечиш. Бир неча парчаланиш каналлари таклиф қилинди. Лекин бу каналларда лептон заряди сақланиш қонуни бузилди.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик групта).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мавзуни мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- Қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезрок ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “**Полимарфизм объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий тамойилларидан биридир**”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш қўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга топширикларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

1. Нейтрино қайси зарралар оиласига мансуб.
- A) Лептонлар
B) Мезонлар
C) Барионлар



Қиёсий таҳлил

Протон ва нейтрон зарралари кўрсатгичларини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- Қора материя тушунчасини изоҳланг...



Амалий кўникма

Протон, нейтрино, электрон ва нейтронни қайси ўзаро таъсиrlарда иштирок этишини изоҳланг.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди. Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзуу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунланғаң, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Вени Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаллашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Материянинг янги турлари



“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Мұхокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мүмкін. Шунингдек, амалий үйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо мұхокамасига бағишенланган брифинглар ташкил этиш мүмкін бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишида ҳам фойдаланиш мүмкін.

“Портфолио”методи

“Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл. хужжатлар учун папка) таълимий ва қасбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг саралangan ўқув-методик ишлари, қасбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мүмкін бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурӯҳи, тингловчилар гурӯҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Қафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Замонавий тадқиқотларнинг хусусиятлари, йўналишлари ва дунёқарааш шаклланишидаги ўрни.

Режа:

- 1. Замонавий тадқиқотлар хусусиятлари**
- 2. Физика-астрономия тараққиёт йўналишлари**
- 3. Физика-астрономия соҳасидаги ютуқлар ва уларнинг дунёқарааш шаклланишидаги ўрни**

Таянч иборалар: *Халқаро илмий марказлар ва ташкилотлар, ЦЕРН, Фермилаб, ДЕЗИ, ЕКА, янги назариялар, тезлаткичлар, материянинг янги турлари, нейтрино физикаси, нанофизика, нанотехнологиялар, кенгаяётган Олам, инсониёт тарихи.*

1.1 Замонавий тадқиқотлар хусусиятлари.


Маълумки, физика фани инсоният эришган ва эришаётган илмий-техник тараққиётнинг асосини ташкил қилади. Қадимдан то XVIII аср охиригача бу фан фалсафа фани таркибида ўз ривожланиш йўлини босиб ўтган бўлса, XIX аср бошидан мустақил фан сифатида табиат сир-синоатларини очишга, улар асосида жамият тараққиётига, инсоният турмуш тарзини яхшилашга хизмат килиб келмокда.

Электрон ва радиоактивлик ҳодисасининг кашф қилиниши материяни ўрганишнинг янги эрасини бошлаб берди. Бу пайтга келиб материянинг атомлардан тузилганлиги, яъни кимё фанидаги пропорционал муносабатлар, газлар термодинамикаси, кимёвий элементларнинг даврий жадвали ёки Броун харакати каби билимлар кенг маълум эди. Лекин атомларнинг мавжудлиги умумжамият томонидан таън олинмаган эди. Бунинг сабаби оддий эди: ҳеч ким бу атомларнинг тузулишини тасаввур қила олмас эди. Янги кашфиётлар шуни кўрсатдики, материядан пайдо бўладиган “зарра”лар бу атомларнинг ташкил этувчилиари деб қаралиши керак эди.

Ҳозирда радиоактив парчаланишдан ҳосил бўлган зарраларни бошқа элементларни бомбардимон қилишда қўллаш имконияти мавжуд. Бу эса ўша элементларнинг ташкил этувчилирини ўрганиш имкониятини беради. Ушбу экспериментал имконият замонавий ядро ва зарралар физикасининг асосини ташкил қиласди. Ядроларни систематик ўрганиш имконияти сўнгги 30 йиллар ичидаги замонавий зарралар тезлаткичлари имкониятлари сабабли юзага келди. Лекин атомларнинг асосий қурилиш блоклари – электрон, протон ва нейтрон бундан олдин қайд қилинган эди.


Сочилиш экспериментлари ядро ва зарралар физикасининг энг муҳим қуроли ҳисобланади. Улар турли зарралар орасидаги ўзаро таъсир хусусиятларини ўрганишда ва атом ядролари ички тузилиши, уларнинг ташкил этувчилари тўғрисида маълумот олишда кенг қўлланилади.

Оддий сочилиш экспериментида ўрганилувчи объект (нишон) энергияси яхши маълум бўлган зарралар дастаси ёрдамида бомбардимон қилинади. Бунда





кўринишдаги реакция учун келувчи зарра ва нишон ўртасида содир бўлади. Бу ерда, а ва b даста ва нишон зарраларини, ва с ҳамда d реакцияда ҳосил бўлган зарраларни англатади. Сочилиш реакциялари 2 хил – эластик ва ноэластик бўлади.

Эластик сочилиш. Эластик жараёнда:



бўлади, яъни сочилишдан олдин ва кейин бир хил зарралар кузатилади. Нишон b импульс қабул қилиб олиши натижасида кинетик энергиясини ўзгартиришига қарамасдан ўзининг асосий ҳолатида қолади. Штрихлар зарраларнинг дастлабки ва охирги ҳолатлари уларнинг импульси ва энергиясидан ташқари бир хиллигини билдиради.

Ноэластик сочилиш. Ноэластик сочилишларда:



бўлади ҳамда унда а зарра кинетик энергиясининг бир қисми b нишонга берилади ва уни уйғотади, юқори энергияли b^* ҳолатга ўтказади. Уйғонган ҳолат кейин енгил зарра (фотон ёки π -мезон) чиқариб асосий ҳолатга ўтади ёки кўп ҳолларда турли зарраларга парчаланади. Ҳозирда ядро ва зарралар физикасидаги кашфиётлар айнан шу ноэластик сочилиш экспериментлари орқали кузатилади³.

Узок тараққиёт давомида бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари характери ҳам замонга мос равишда ўзгариб келган. Дастребки пайтларда физика ва астрономия соҳасидаги янгилик, кашфиёт ва ихтиrolар кучли ақл-заковат соҳиблари томонидан яратилган бўлса, кейинчалик маълум муаммони ҳал қилишга йўналтирилган олимлар гурухи томонидан узок муддатли изланишлар натижасида маълум кўзланган натижаларга эришила бошланди. Бу ҳолат 20-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб маълум йўналишдаги муаммоларни ўрганишга мўлжалланган илмий марказларда амалга ошириш одатига айланди. Шу таҳлит Фермилаб (АҚШ), ДЕЗИ (Германия), ЦЕРН (Швейцария), ЕКА (Европа космик агентлиги) каби ҳалкаро илмий марказлар ва ташкилотлар вужудга келган.

Бундай илмий марказ ва ташкилотларнинг юзага келишига сабаб, биринчидан физика ва астрономия соҳасидаги тадқиқотларни амалга ошириш учун янги ва катта харажат талаб қиласидиган қурилмалар ҳамда тадқиқотларни амалга ошириш учун юқори салоҳиятли олимлар гурухи ёки гуруҳлари ўта зарурлиги ҳисобланади. Иккинчидан, дунёдаги хеч бир давлат бундай катта харажат талаб қиласидиган тадқиқот олиб боришни маблағ билан мустақил таъминлай олмайди. Шу сабабли бундай илмий марказларда тадқиқот ишларининг ҳалкаро ташкилотлар томонидан маблағ билан таъминланиши йўлга қўйилган ҳамда тадқиқот ишларига танлов асосида бутун дунёдаги давлатлар мутахассислари жалб килиниши одатга айланди.

³ B.Povh, K.Rith, Ch. Shcolz, F. Zetsche. Particles and Nuclei. An introduction to the physical concepts. 2008. Springer, Berlin-Heidelberg. P. 41-43

1.2 Физика-астрономия тараққиёт йўналишлари

Ушбу дунё илмий марказларида физика ва астрономия соҳасида сўнгги 20-25 йил мобайнида катта ютуқларга эришилди.

Бу ютуқлар ва улкан илмий силжишлар куйидаги йўналишларда содир бўлди ва бўлмоқда:

1. Элементар зарралар физикаси назарияси соҳасида

Бирлаштирувчи назариялар, яъни 4 та фундаментал ўзаро таъсирни ягона механизм асосида бирлаштирувчи назариялар қуриш йўналишида;

2. Нейтрино физикаси соҳасида, яъни нейтрино табиатини ўрганиш, нейтрино осциляциясини тадқиқ қилиш йўналишида;

3. Астрозарралар хусусиятлари, материянинг янги шакллари (Қора материя, Қора энергия, гравитацион тўлкинлар) ни ўрганиш йўналишида;

4. Янги авлод тезлаткичларини қуриш ва янада юқори энергияларда зарралар хусусиятларини ўрганиш йўналишида;

5. Янги зарраларни излаш соҳасида, яъни тезлаткичларда ва тезлаткичларсиз зарралар физикаси соҳасида (коинот нурларининг хусусиятларини ўрганиш) йўналишида;

6. Қаттиқ жисмлар физикаси соҳасида, яъни юқори температурали ўта ўтказувчанлик ҳодисаси, қаттиқ жисмларнинг янги хусусиятларини ўрганиш йўналишида;

7. Нанотехнологиялар (ҳозирда нанофизика, нанокимё, нанобиология, наномедицина каби фан йўналишлари дунё микёсида шаклланди, улар ривожланиш боскичида) йўналишида;

8. Инсоният ҳаёт тарзи даражаси ҳамда талабларига қараб физиканинг янги тадбиқ йўналишлари-медицина физикаси, мезофизика, экономфизика каби йўналишларнинг шаклланиши йўналишида.

Айниқса, нанофизика соҳасида 2004 йилда графен структураси Манчестр университети олимлари томонидан олинди ва бу ютуқ учун 2010 йилда улар Нобель мукофотига сазовор бўлишди. Графен дунёдаги энг юпқа

материал бўлиб графит (кўмир) моддасидан олинади, унинг қалинлиги атом ўлчамига тенг, мустаҳкамлиги олмосдай, электр ва иссиқлик ўтказувчанлиги мисдан ҳам яхши. Лекин унинг механиқ, оптик, иссиқлик ва электр ўтказувчанлик хусусиятларини янада яхшилаш мумкин. Шу жиҳатдан графен энг истиқболли материал ҳисобланади ва унинг қўлланилиши фан-техника тараққиётини тезлаштириши (хозирда самарали электр батареялари, иссиқлик элементлари, сувни чучуклаштиргичлар ва юқори сезгир элементлар яратилган ва уларни кенг ишлаб чиқариш масалалари кўрилмоқда) ҳамда инсоният турмуш тарзини янада яхшилаши кутилмоқда.

1.3 Физика-астрономия соҳасидаги ютуқлар ва уларнинг дунёқараш шаклланишидаги ўрни

Кейинги 20-30 йил моайнида эришилган ютуқлар қуйидагиларда акс этади:

- Хиггс бозонининг мавжудлиги тажрибада тасдиқланди, унинг массаси $125,09 \pm 0,21$ ГэВ га тенглиги аниқланди.
- 8 ТэВ гача бўлган энергияларда протон тўқнашувларининг асосий параметрлари аниқланди.
- Тэватронда илк кузатилган t -кваркнинг мавжудлиги тасдиқланди.
- B_s -мезонларнинг иккита янги парчаланиш канали аниқланди.
- Назарий йўл билан башорат қилинган янги $\chi_b(3P)$, Ξ_b^{*0} , $\Lambda_b^{0*}(5912)$ ва $\Lambda_b^{0*}(5920)$ зарралар кашф қилинди.
- Тэватронда 2009 йилда кузатилган $Y(4140)$ зарранинг кузатилгани эълон қилинди.

- Гравитацион тўлқинлар қайд қилинди.
- Нейтрино осциляцияси кузатилди.
- Мавжудлиги башорат қилинган қора ўралар кузатилди.
- Янги авлод колладери КАК ишга туширилди.

• Нано ўлчамдаги жараёнларни ўрганиш ва улар тадбиқи соҳасида туб бурилишлар содир бўлди (Нанофизика, медицина физикаси, наномедицина,

нанохимия каби фанлар юзага келди, нанотехнологиялар шаклланди ва ривожланди.

- Материянинг янги турлари – қора материя ва қора энергия соҳасида ҳам тадқиқотлар жадаллашди.

Содир бўлган бу ўзгаришлар физика ва астрономиядаги шу вақтгача шаклланган тасаввурларни жуда кенгайтириб юборди ва албатта мутахассислар, айниқса, ёш авлод учун қизиқиш майдонига айланди.

Ушбу жаҳон миқиёсида эришилган ва эришилаётган физика ва астрономия соҳасидаги ютуқлар, соҳада режалаштирилаётган тадқиқот ишлари албатта таълим тизимимизда ўз аксини доимий топиб бориши керак. Шу ўринда, физика-астрономия таълимида информатика фанининг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз ҳарур. Чунки, физика ва астрономия тараққиёт йўналишлари айнан микро ўлчамларда содир бўлаётгани ва бу ўзгаришлар, эришилаётган ютуқлар бизнинг дунёқарашимизни тубдан ўзгартириб юбораётгани, бу жараёнларни қўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмаслигини инобатга олсак, албатта компьютер технологиялари, турли анимациялар аҳамияти яққол кўриниб қолади. Шу сабаб асосий вазифамиз компьютер технологияларидан фойдаланиб физика ва астрономия таълими сифатини таъминлашдан иборат бўлмоғи керак.

Назорат саволлари:

1. Илмий - тадқиқот ишларининг замонавий хусусиятларини тушунтиринг?
2. Физика ва астрономия фанларининг сўнгти ютуқларини изоҳланг?
3. Физика ва астрономия фанлари тараққиёти натижасида юзага келган янги йўналишларни изоҳланг?
4. Физика ва астрономия соҳасида олиб борилаётган тадқиқот йўналишларини изоҳланг?
5. Физика ва астрономия соҳасидаги Халқаро илмий марказлар ва ташкилотлар ва улар фаолияти тўғрисида маълумот беринг?

Фойдаланган адабиётлар:

1. B.Povh, K.Rith, Ch. Shcolz, F. Zetsche. Particles and Nuclei. An introduction to the physical concepts. 2008. Springer, Berlin-Heidelberg. -395 p.
2. Ch.W.Fay. Introduction to modern physics. Ferris state university press. 2011. -157 p.

2-мавзу: Бирлаштирувчи назариялар. Нейтрино физикаси.

Режа:

1. Бирлаштирувчи назариялар тарихи
2. Бирлаштирувчи назарияларнинг замонавий ҳолати
3. Истиқболдаги режалар
4. Нейтриононинг кашф қилиниши
5. Нейтрино табиати, хусусиятлари. Нейтрино осциляцияси
6. Нейтриони ўрганиш буйича олиб борилаётган экспериментлар
7. Коинот тузилишида нейтриононинг ўрни

Таянч тушунчалар: Электр ва магнит майдонлари, электромагнит майдон, фундаментал ўзаро таъсирлар, электрозаиф ўзаро таъсир, Стандарт модель, буюк бирлаштириш назариялари, нейтрино, нейтрино авлодлари (оилалари), сақланиши қонунлари, нейтрино осциляцияси, Қуёш нейтриносиги муаммоси, атмосфера нейтриносиги, коллаборациялар.

2.1. Бирлаштирувчи назариялар тарихи.

Бирлаштирувчи назариялар - барча 4 та фундаменталь ўзаро таъсирни тушунтирувчи назария. Элементар зарралар тўғрисидаги концепциянинг ўзгариши билан табиатнинг асосий кучлари ва шу билан бирга элементар зарралар орасидаги фундаментал ўзаро таъсирлар тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳам ўзгариб борди. 1800 йилларда 4 та куч асосий кучлар деб қаралган эди: гравитация, электр, магнит ҳамда атомлар ва молекулалар орасида мавжуд бўлган кам ўрганилган кучлар. 19 аср охирига келиб электр ва магнит кучлари ягона электромагнит кучларнинг турли кўринишлари эканлиги маълум бўлди.


Кейинроқ атомлар структурага әғалиги ва мусбат зарядланган ядро ва электрон булутидан ташкил топғанлиги, электромагниттің үзаро таъсир орқали боғланиб турғани маълум бўлди. Умуман атомлар электр заряди жиҳатдан нейтрал. Лекин қисқа масофаларда атомлар орасидаги электр майдони бутунлай йўқолиб кетмайди ва қўшни атом ва молекулалар бир-бири билан таъсирлашади. Турли кўринишдаги “кимёвий кучлар” (масалан, Ван-дер-Вальс кучи) электромагнит кучларнинг ифодалари ҳисобланади.

Ядро физикаси ривожланиши билан иккита қисқа масофада намоён бўлувчи кучлар бир синфга бирлаштирилди. Бу кучлар нуклонлар орасида таъсир қилувчи ядро кучлари ва ядронинг β - парчаланишида ўзини намоён қилувчи заиф куч. Бугун биз ядро кучларининг фундаментал куч эмаслигини биламиз. Электромагниттің үзаро таъсирнинг натижаси бўлган атомлар орасидаги таъсир кучларига ўхшаб ядро кучи кваркларни боғлаб протон ва нейтронларни ҳосил қилувчи кучли таъсирнинг натижаси ҳисобланади. Бу кучли ва заиф кучлар элементар зарралар орасидаги кучли ва кучсиз үзаро таъсирларга олиб келади⁴.

XX аср давомида бу үзаро таъсирларни бирлаштириш бўйича қўплаб назариялар илгари сурилди. Улардан бирортаси ҳам экспериментда тасдиқланмади ёки экспериментни ўтказиш имкони бўлмади. Бу йўлдаги асосий қийинчилик Квант механикаси ва Умумий нисбийлик назарияси (УНН) нинг қўлланиш соҳалари ҳар хиллигидир. Квант механикаси, асосан, микродунё жараёнларини тушунтиришга хизмат қиласи, Умумий нисбийлик назарияси эса макродунёда қўлланилади. Махсус нисбийлик назарияси (МНН) юқори тезликлардаги жараёнларни тушунтиради. Умумий нисбийлик назарияси эса Ньютон гравитация назариясининг умумлашган кўриниши ҳисобланади. Яъни, Ньютон гравитация назариясининг МНН билан бирлаштирилган ва катта масофа ҳамда катта массалар ҳолати учун кенгайтирилган кўриниши. Квант механикаси ва МНН нинг битта формализм доирасида мослаштирилиши

⁴⁴ B.Povh, K.Rith, Ch. Shcolz, F. Zetsche. Particles and Nuclei. An introduction to the physical concepts. 2008. Springer, Berlin-Heidelberg. P. 2-3

(релятивистик квант майдон назарияси) турли чекловларга (расходимости) олиб келади. Яъни, экспериментда текширилувчи катталиклар учун аниқ назарий қийматларнинг мавжуд бўлмаслиги юзага келади. Бу муаммони ҳал қилиш учун олинган қийматларни қайта нормировкалаш (перенормирока) усуллари ишлатилади. Айрим назарий моделлар қайта нормировкалаш механизми натижасида жараёнларни яхши тушунтиради. Лекин бу назарияга УНН сини киритиш яна чекловларга олиб келади. Ҳозиргача бу чекловлардан қутилишнинг бирор йўли топилгани йўқ.



2.2. Бирлаштирувчи назарияларнинг замонавий ҳолати.

XIX аср охирида электродинамика фани шаклланди. Бу фан доирасида Максвелл тенгламалари асосида электр ва магнит майдонлари (кучлари) ягона электромагнит майдонга бирлаштирилди. Шундан кейин барча фундаментал ўзаро таъсирларни бирлаштириш ғояси илгари сурилди.

Замонавий физика ҳозирда маълум қўйидаги ўзаро таъсирларни бирлаштиришни талаб қилмоқда:

- гравитацион_ўзаро_таъсир;
- электромагнит_ўзаро_таъсир;
- кучли ўзаро таъсир;
- кучсиз ўзаро таъсир;
- Хиггс майдони.

Бундан ташқари бу назария барча элементар зарраларнинг мавжудлигини ҳам тушунтириши керак. Бирлаштириш йўлидаги дастлабки қадам 1967 йилда Стивен Вайнберг, Шелдон Глешоу ва Абдус Салам томонидан электромагнит ва кучсиз ўзаро таъсирларнинг электрокучсиз ўзаро таъсирга бирлаштирилиши бўлди. 1973 йилда эса кучли ўзаро таъсир назарияси таклиф қилинди. Шундан кейин Буюк бирлаштириш назариясининг бир неча вариантлари таклиф қилинди. Шулардан энг таниқлиси Пати-Салам назарияси 1974 йилда таклиф қилинди. Бу назариялар доирасида гравитацион ўзаро таъсирдан ташқари барча кучлар бирлаштирилди. Лекин бу Буюк бирлаштирувчи назариялардан бирортаси ҳам экспериментда ўз тасдигини топмади. Айримлари эса улар доирасида башорат қилинган протоннинг парчаланиши экспериментда кузатилмаганлиги сабабли инкор қилинди. Қолган назариялардан бирортасининг экспериментда тасдиқланиши ҳозирда ўрганилмоқда. Бундан ташқари Квант механикаси ва УНН асосида гравитациянинг квант назарисини яратиш масаласи ҳалигача амалга ошмади. Ҳозирда бирлаштирувчи назария сифатида асосий номзодлар -торлар назарияси, сиртмоқ назарияси ва Калуца-Клейн назариялари қаралмоқда. Шу ўринда Калуца-Клейн назариясига тўхталиб ўтамиз. XX аср бошларида Коинотнинг ўлчами, биз билган 3 та фазовий ва битта вақтдан ташқари, кўпроқ ўлчамга эга деган фикрлар пайдо бўлди. Бу фикрга Калуца-Клейн назарияси туртки вазифасини бажарди. Бу назария доирасида УНН га қўшимча ўлчам киритилса Максвелл тенгламалари келиб чиқиши қўрсатилди. Калуца ва Клейн ғояларига таяниб юқори ўлчамли назариялар яратиш имконияти пайдо бўлди. Шу маънода гравитацион ўзаро таъсирнинг бошқа таъсирларга қараганда кучсизлиги ҳам аён бўлди. Унга кўра гравитация юқори ўлчамли фазоларда мавжуд ва унинг кузатиладиган фазодаги таъсири қучсизланиб қолади.

1990 йилларнинг охирида бу бирлаштирувчи назарияларнинг умумий муаммоси юзага келди: улар Коинотнинг кузатиладиган характеристикаларини қатъий аниқлай олмайдилар. Умуман олганда Буюк бирлаштирувчи назария

Коинотнинг фундаментал қонуни, қолган барча назариялар эса бу қонуннинг хусусий ҳоллари ёки натижалари ҳисобланади.

2.3. Истиқболдаги режалар

Бирлаштирувчи назария ғоясига кўра маълум энергетик масштабда барча таъсир доимийлари тенглашади, бу ҳолат 80 ГэВ дан юқори энергияларда содир бўлади. Бу масштабда барча ўзаро таъсирлар бир хил кучга эга ва барча зарралар битта математик аппарат ёрдамида ифодаланади. Ҳисобларга кўра бундай бирлашиш тахминан 10^{14} ГэВ да содир бўлади. Бу масштаб тезлатгичларда эришиб бўлмайдиган қийматдир. Лекин уни бошқача йўл билан текшириб кўриш мумкин. Маълумки кучсиз ўзаро таъсир остида нейтрон протон, электрон ва антинейтринога парчаланади. Бирлаштирувчи назарияга кўра протон ҳам стабил эмас ва парчаланиши керак. Протоннинг озгина эҳтимоллик билан бўлсада парчаланиши хавфли бўлиб, унинг стабиллиги Коинотдаги барча материянинг стабиллигини белгилайди. Лекин ҳозиргacha унинг парчаланиши тўғрисида бирорта ҳам эксперимент натижаси йўқ.

Катта адрон коллайдерида олиб борилаётган тадқиқотлар бирлаштирувчи назарияларни бошқа коллайдерларда эришилмаган энергияларда текшириб кўришга имкон беради.

2.4. Нейтринонинг кашф қилиниши.

Нейтроино (италянчада neutrino – кичик нейтрон, нейтронча) – ярим спинга эга фундаментал нейтрал зарра, кучсиз ва гравитацион ўзаро таъсирларда қатнашади, лептонлар синфига оид зарра. Паст энергияли нейтрино модда билан ўта кучсиз таъсирашади. Масалан, $3\text{-}10 \text{ МэВ}$ энергияли нейтринонинг сувдаги эркин югуриш узунлиги 10^{18} метр (таксиминан 100 ёруғлик иили). Ҳар секундда Ерда ҳар бир 1 см^2 юза орқали 6×10^{10} та Қуёшдан чиққан нейтрино ўтади. Лекин уларнинг бирор моддага таъсири деярли сезилмайди. Лекин юқори энергияли нейтриналарнинг нишон билан ўзаро таъсири сезиларли даражада пайқалмоқда. Такааки Кадзита ва Артур Макдональд 2015 иили нейтринонинг массага эгалигини кўрсатувчи нейтрино осцилляциясини

кузатғанлари учун Нобел мүкофотига сазовор бўлди. Нейтрино осциляцияси ғояси 1957 йилда Б.М.Понтекорво томонидан илгари сурилган.

2.5. Нейтрино табиати, хусусиятлари. Нейтрино осциляцияси.

Биз e^+ - e^- -сочилишни таҳлил қилганимизда зарядланган лептонларга дуч келдик: электрон (e), мюон (μ) ва тау (τ) лептон ҳамда уларнинг бир хил массали ва қарама-қарши зарядли антизарралари (позитрон e^+ , μ^+ мезон ва τ^+ лептон).

Электрон ва мюон энгил электр зарядли зарралар ҳисобланади. Электр зарядининг сақланиши электрон стабиллигини таъминлайди ва мюон парчаланиши натижасида электрон ҳосил бўлади. Мюоннинг парчаланиши

$$\mu^- \rightarrow e^- + \nu_e + \bar{\nu}_\mu$$

жараён орқали амалга ошади.

τ – лептон мюонга қараганда кўп марта оғир, кўп адронларга нисбатан оғирроқ. Шу сабабли фақат енгил лептонларга эмас,

$$\tau^- \rightarrow e^- + \nu_e + \bar{\nu}_\tau$$

$$\tau^- \rightarrow \mu^- + \nu_\mu + \bar{\nu}_\tau,$$

балким адронларга ҳам парчаланиши мумкин: масалан, пион ва нейтринога

$$\tau^- \rightarrow \pi^- + \bar{\nu}_\tau.$$

Биз нейтрино ҳосил бўладиган бир неча жараённи кўрган эдик: ядронинг β -парчаланиши ва зарядланган лептонлар парчаланишларини. Нейтринолар электр нейтрал лептонлар бўлиб электромагнит ёки кучли ўзаро таъсирни сезмайди. Шу сабабли нейтринолар фақат кучсиз ўзаро таъсирлашади ва улар гўё қоида каби билвосита зарядланган зарралар ҳосил бўладиган жараёнларда қайд қилиниши мумкин:

$$n \rightarrow p + e^- + \nu_e$$

$$\nu_e + p \rightarrow n + e^+$$

$$\nu_e + n \rightarrow p + e^-$$

Нейтрино ва антинейтриналар зарядланган пион парчаланишларида ҳосил бўладилар




$$\pi^- \rightarrow \mu^- + \nu\mu$$

$$\pi^+ \rightarrow \mu^+ + \nu\mu$$

ва ўзларини ҳар хил тутадилар.

Кучсиз ўзаро таъсиrlарнинг кинематик таҳлили нейтриналар тинчликдаги массаси учун факат экспериментал юқори чегарани кўрсатади ва тўғридан-тўғри ўлчашлар массасиз нейтриналарни инкор қилмайди. Лекин нейтриналар нолга яқин массага эгалиги тўғрисида кучли асос мавжуд.

Садбери Нейтрино Обсерваторияси Канада) да, 1000 тонна оғир сув 2000 метр Ер сиртидан пастда жойлаштирилган, Черенков детекторидан фойдаланиб қуийдаги реакциялар бир вақтнинг ўзида ўлчаниши мумкин:



Биринчи реакция факат νe ни ўлчайди, чунки нейтриналар энергияси μ ёки τ ни ҳосил қилиш учун жуда ҳам кичик. Иккинчи реакция ҳидга боғлиқ эмас ва умумий нейтрино оқимини ўлчашга имкон беради. Аслида умумий нейтрино оқими νe оқимига қараганда 3 марта катталигини эксперимент кўрсатди. Учинчи реакция νe га кўпроқ сезгир, лекин умумий оқимни ўлчаш учун ҳам ишлатилиши мумкин⁵.

Ҳар бир лептон (антилептон) га ўзининг нейтрино (антинейтрино) жуфти мос келади:

- электрон_нейтрино/электрон антинейтрино;
- мюон_нейтрино/мюон антинейтрино
- тау_нейтрино/тау антинейтрино

Турли нейтрино турлари бир-бирига айланиши содир бўлади. Бу ҳодисага нейтрино осцилляцияси дейилади. Бу ҳодиса нейтриналарнинг нолдан фарқли


⁵ B.Povh, K.Rith, Ch. Shcolz, F. Zetsche. Particles and Nuclei. An introduction to the physical concepts. 2008. Springer, Berlin-Heidelberg. P. 128-130

массага эгалигидан содир бўлади. Ультратрелиятивистик зарралар туғилишини ўрганиш бўйича ўтказилган эксперимент нейтрино манфий спиралликка, антинейтрино эса мусбат спиралликка эгалигини кўрсатди. Назарий моделлар нейтринонинг тўртинчи тури – стерил нейтрино мавжудлигини кўрсатмоқда. Лекин бу нейтринонинг мавжудлигини тасдиқловчи экспериментлар ҳозирча мавжуд эмас (масалан, MiniBooNE ва LSND лойиҳаларида).

Массаси

Нейтрино массаси нолга teng эмас, лекин бу масса ўта енгил. Барча турдаги нейтринолар массалари йигиндининг экспериментда баҳоланганди қиймати $0,28 \text{ эВ}$ га teng. Нейтрино массасининг аниқ қиймати Коинотнинг яширин массасини тушунтириш учун ҳам муҳимдир. Нейтрино массасининг ўта енгиллигига қарамасдан унинг Коинотдаги концентрацияси етарли даражада юқори ва бу билан ўртача зичликка ҳисса қўшиши мумкин.

Кашф қилиниш тарихи



Нейтринонинг пуфакли камерада кузатилиши

XX асрнинг 20-30- йилларида ядро физикасининг асосий муаммоларидан бири бета-парчаланишда электрон спектри муаммоси эди. Жеймс Чедвик томонидан 1914 йилда ўтказилган тажрибада бета-парчаланишда ҳосил бўлган электронлар энергияси узлуксиз спектрга эгалиги аниқланган. Яъни ядродан турли энергияли электронларнинг учиб чиқиши кузатилган.

Иккинчи томондан, 20-йилларда Квант физикасининг ривожланиши атом ядросида энергия сатҳлари дискрет характерга эгалигини кўрсатди. Бу фикр биринчи бўлиб австриялик физик Лиза Мейтнер томонидан 1922 йилда айтилди. Яъни, ядро парчаланишида ҳосил бўлган зарралар энергияси дискрет бўлиб бу энергия ядро сатҳлари орасидаги фарққа тенг бўлиши керак. Масалан, альфа – парчаланишда альфа –зарралар энергияси бу фикрни тасдиқлади. Шу сабабли бета – парчаланишда ҳосил бўлган электронлар энергиясининг узлуксизлиги энергиянинг сақланиш қонунини шубҳа остига қўйди. Бу муаммо шу даражада муҳимлик касб этдики, 1931 йили машҳур даниялик физик Нильс Бор Рим конференциясида сўзга чиқиб микрооламда энергиянинг сақланиш қонуни бузилиши мумкин деган фикрни илгари сурди. Лекин бу ҳолатни бошқача тушунтириш йўли ҳам мавжуд эди. Бу “йўқотилган” энергиянинг номаълум ва сезилмас зарра томонидан олиб кетилади деган ғоя эди. Бу ғоя В. Паули томонидан 1930 йилнинг 4 декабря Тюбингендаги физика бўйича анжуман иштирокчилариiga юборилган хатида илгари сурилган эди. Бу зарра Энрико Ферми томонидан “нейтрино” деб номланди. В.Паули 1933 йилда бўлиб ўтган Сольвей конгресседа $\frac{1}{2}$ спинга эга нейтрал зарра иштироқидаги бета-парчаланиш механизмига бағишланган реферати билан чиқиш қилди. Бу чиқиш нейтринога бағишланган биринчи расмий мақола эди. Ҳозирда нейтрино табиати жаҳоннинг унга яқин лабораторияларида ўрганилмоқда⁶.

Қуёш нейтриноси муаммоси

Қуёш ядросида содир бўладиган жараёнлар катта микдордаги электрон нейтриноларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Ерга келаётган нейтрино оқими 1960 йиллар охиридан буён ўрганиб келинмоқда. Бу ўрганишлар регистрация қилинаётган Қуёш, яъни электрон нейтрино оқимининг Қуёшдаги жараёнларни баён қилувчи стандарт Қуёш модели доирасида топилган қийматидан тахминан 3 марта камлигини кўрсатади. Назария ва эксперимент орасидаги бу номутоносиблик “Қуёш нейтриноси муаммоси” номини олди.

⁶ «Evidence for Massive Neutrinos from Cosmic Microwave Background and Lensing Observations». Physical Review Letters (2014) 112 (5): 051303. arXiv:1308.5870v2. DOI:10.1103/PhysRevLett.112.051303. PMID 24580586.Bibcode: 2014PhRvL.112e1303B.

Бу муаммони ечишнинг икки йўли таклиф қилинди. Биринчи йўл – стандарт Қуёш моделини модификация қилиш, яъни Қуёш ядроидаги температурани, термоядро активлигини аниқлаштириш орқали нейтрино оқими қийматини камайишига эришиш. Иккинчи йўл – нейтрино осциляцияси, яъни Қуёшда ҳосил бўлган нейтрино Ерга томон ҳаракат давомида нейтринонининг бошқа турларига айланиши ҳодисасининг содир бўлиши. Иккинчи йўл ҳозирда бу муаммони ҳал қилишнинг ҳақиқатга яқин йўли сифатида қаралмоқда. Ва Садберидаги тажрибалар натижасида нейтрино осциляцияси содир бўлиши тўғридан тўғри тасдиқланди. Бунда вакуумда электрон (Қуёш) нейтриносига мюва тау-нейтриноларига айланади. Бу ҳолат Қуёш моддасида ҳам содир бўлади (Михеев-Смирнов-Вольфенштейн эффиқти). Моддадаги нейтрино осциляцияси нейтрино моддада эфектив массага эга бўлиш (аслида нол массага эга бўлса ҳам) лигидан келиб чиқади. Зичлиги текис ўзгарувчан моддада 2 тур нейтриноларнинг эфектив массалари бир-бирига яқин бўлиб қолганда осцилляция кучаяди. Бунинг учун 2 турдаги нейтринолар модда билан ҳар хил таъсиралиши керак, яъни нейтриноларнинг эфектив потенциаллари модда зичлиги билан турлича боғланган бўлиши керак. Моддада кузатиладиган бундай осциляция Михеев-Смирнов-Вольфенштейн эффиқти деб аталади ва электрон нейтрино дефецитлигини тушунтирувчи асосий сабаб деб қаралмоқда.

2.6. Нейтринони ўрганиш буйича олиб борилаётган экспериментлар.

Осциляция куйидаги ҳоллар учун кузатилди:

- Қуёш нейтриносига (Девиснинг хлор-аргон эксперименти, SAGE, GALLEX/GNO галлий-германий экспериментлари, Kamiokande сув-черенков эксперименти ва SNO), BOREXINO сцинтилляцион эксперименти;
- Атмосфера нейтриносига (Kamiokande, IMB), коинот нурларининг атмосфера атом ядролари билан ўзаро таъсиралишидан ҳосил бўлган;
- реактор антинейтриносига (KamLAND сцинтилляцион эксперименти, Daya Bay, Double Chooz, RENO);
- тезлатгич нейтриносига (K2K эксперименти (инглизчада KEK To Kamioka) 250 км қалинлигини ўтгач мюон нейтринога миқдори камайгани

кузатилди, OPERA экспериментида 2010 йили мюон нейтринонинг таунейтринога осцилляцияланиши натижасида тау-лептон туғилиши кузатилган.

Хозирда мюон нейтрино ва антинейтриносининг электрон нейтрино ва антинейтриносига осцилляцияланиши MiniBooNE экспериментида ўрганилмоқда (LSND эксперименти шартлари бўйича). Бу эксперимент натижаси нейтринолар ва антинейтринолар осцилляцияси орасидаги фарқни кўрсатади.

2.7. Фойдаланиш истиқболлари.

Нейтринодан фойдаланишнинг истиқболли йўналишларидан бири – нейтрино астрономияси. Маълумки, юлдузлар ёруғлик нуридан ташқари улардаги ядро реакциялари жараёнида ҳосил бўладиган нейтриноларнинг ҳам катта оқимини тарқатадилар. Юлдуз эволюциясининг сўнгги босқичларида нурланадиган энергиянинг 90% га яқини нейтринолар ҳисобига тўғри келади. Бу ҳол нейтрино ҳисобига совуш деб аталади. Шу сабабли нейтрино хоссаларини ўрганиш бу астрофизик жараёнларни тушунишга ёрдам беради.

Бундан ташқари нейтрино ҳеч қандай ютилмасдан жуда катта масофаларни босиб ўта олади. Унинг бу хусусияти жуда узоқ астрофизик обьектларни ҳам ўрганишга имкон беради. Нейтринонинг бошқа қўлланишига саноат ядро реакторларининг нейтрио диагностикаси мисол бўлади. Бу мақсадда яратиладиган нейтрино детектори ядро реактори қуввати ва ёқилғиси таркибини назорат қилиб туради. Назарий жиҳатдан нейтрино оқимидан алоқа воситасида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу йўлда ҳозирда иш олиб борилмоқда. Ернинг ички қатламларидаги радиактив элементлар парчаланишида чиқкан нейтриноларни ўрганиш орқали Ернинг ички тузилишини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Яъни, Ернинг турли нуқталаридаги геологик нейтрино оқимини ўрганиш орқали радиактив манбалар харитасини тузиш мумкин⁷.

Назорат саволлари:

⁷ Measurement of the neutrino velocity with the OPERA detector in the CNGS beam, 22 Sep 2011. p.-45.

1. Нейтрионинг кашф қилинишини тушунтириңг?
2. Нейтрино неча авлодга эга?
3. Нейтрино осциляциясини тушунтириңг?
4. Қүйнүү нейтриносини муаммосини тушунтириңг?
5. Нейтрионинг Олам тузилишидаги ўрни қандай?
6. Истиқболдаги тадқиқотларни тушунтириңг?

Фойдаланган адабиётлар:

1. Astronomers Accurately Measure the Mass of Neutrinos for the First Time. *scitechdaily.com*.
2. Foley, James A. Mass of Neutrinos Accurately Calculated for First Time, Physicists Report. *natureworldnews.com*
3. «Evidence for Massive Neutrinos from Cosmic Microwave Background and Lensing Observations». *Physical Review Letters* (2014) **112** (5): 051303. arXiv:1308.5870v2. DOI:10.1103/PhysRevLett.112.051303. PMID 24580586. Bibcode: 2014PhRvL.112e1303B.
4. Shaun A. Thomas, Filipe B. Abdalla, and Ofer Lahav Upper Bound of 0.28 eV on Neutrino Masses from the Largest Photometric Redshift Survey (англ.) // *Phys. Rev. Lett.*. — 2010. — Vol. 105, fasc. 3. — P. 031301.
5. Measurement of the neutrino velocity with the OPERA detector in the CNGS beam, 22 Sep 2011
6. OPERA experiment reports anomaly in flight time of neutrinos from CERN to Gran Sasso // CERN Press Release, 23 February 2012, Update 8 June 2012 (англ.)
7. ICARUS Collaboration et al. Measurement of the neutrino velocity with the ICARUS detector at the CNGS beam // *Physics Letters B*. — 2012. — Vol. 713 (18 июля). - P. 17–22. - arxiv: 1203.3433.- DOI:10.1016/j.physletb. 2012.05.033.
8. <http://neutrino.physics/wisc/> [edu/databay/2012-03-08-oscPRL/DYB_EWNP_v5.pdf](http://databay/2012-03-08-oscPRL/DYB_EWNP_v5.pdf).

Назорат саволлари:

1. Қайси кучлар тарихан илк бор бирлаштирилган?
2. Салам-Вайнберг модели асосида қайси кучлар бирлаштирилган?
3. Бирлаштириувчи назарияларнинг асосий моҳияти нимада?
4. Бирлаштириувчи назарияларга доир моделларни изоҳланг?
5. Бирлаш тиравчи назарияларни асословчи энг асосий назарияни айтинг.
6. Истиқболдаги вазифаларни тушунтириинг.

Фойдаланган адабиётлар:

1. B.Povh, K.Rith, Ch. Shcolz, F. Zetsche. Particles and Nuclei. An introduction to the physical concepts. 2008. Springer, Berlin-Heidelberg. -395 p.
2. Ch.W.Fay. Introduction to modern physics. Ferris state university press. 2011. -157 p.

3- мавзу: Замонавий тезлаткичлар. Катта адрон коллайдери.

Режа:

1. Тезлаткичлар - зарралар физикасининг асосий қуроли
2. Уларнинг турлари ва ишлаш соҳалари
3. Катта адрон коллайдери, тузулиши, ишлаш принципи, мақсад ва вазифалари
4. Катта адрон коллайдеридаги олинган натижалар
5. Истиқболдаги режалар. Кейинги авлод коллайдерлари

Таянч тушунчалар: *тезлаткичлар, катта адрон коллайдери, чизиқли тезлатгич, синхротрон, суперсинхротрон, АТЛАС, СМС. Ўта ўтказувчан магнитлар, зарралар “тўда”си, ёритилганлик.*

3.1. Тезлаткичлар - зарралар физикасининг асосий қуроли

Тезлаткичлар зарралар физикасининг асосий қуроли ҳисобланади. Бу соҳада олинадиган барча билимлар тезлашган зарралар тўқнашишини, яъни ноэластик тўқнашишларни ўрганиш орқали олинади. Иккинчи томондан эса барча илгари суриладиган назарияларни ҳам “элак”дан ўтказиб уларнинг тўғрилиги ҳам тезлатгич натижаларига қараб аниқланади.

3.2. Уларнинг турлари ва ишлаш соҳалари

Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб тезлатгичлар ишлатиб келинган. Дастребки шундай қурол сифатида Ж.Томсон ва Резерфорд тажриба ускуналарини келтириш мумкин. Кейинчалик Синхротрон, синхрофазотрон, чизиқли тезлатгич, коллайдерлар каби турли усулда зарраларни тезлаштирувчи қурилмалар юзага кела бошлаган.

Зарралар тезлатгичлари бизни энергияси TeV (106 MeV) гача бўлган ҳар хил турдаги зарралар дасталари билан таъминлайди. Бу зарралар бир томондан энергия “манбаси” бўлиб хизмат қиласи ва агар улар ядроларни бомбардимон қилишда қўлланилса, турли уйғонган ҳолатларни ёки янги зарраларни ҳосил қиласи. Иккинчи томондан улар “зонд” вазифасини бажариши ва улар ёрдамида биз нишон зарраси структурасини ўрганишимиз мумкин.

Барча тезлатгичлар қуидагилардан ташкил топган: зарра манбаси, тезлаштиришни амалга оширувчи тузилма, вакуумли даста канали. Унда зарралар дастасини фокуслаш ва оғдириш имконияти ҳам мавжуд бўлиши керак. Ze зарядли зарра U потенциал фарқли йўлни босиб ўтса $E=ZeU$ энергияга эга бўлади.


Тезлатгичлар электростатик тезлатгич, чизиқли тезлатгич, синхротрон ва йиғувчи ҳалқаларга бўлинадилар. Дастребки учтасининг ишлаш принциплари яхши маълумлигидан биз йиғувчи ҳалқаларга тўхталиб ўтамиз.

Кўзғалмас нишонга эга реакциянинг масса маркази энергияси даста энергияси квадрат илдизига пропорционал равишда ўсади. Агар биз тўқнашувчи зарралар дастасини қўлласак, ўша даста энергияларида юқори масса маркази энергиясига эга бўлишимиз мумкин. Кейинги авлод тезлатгичларида айнан йиғувчи ҳалқалар принципи қўлланилади ва шу сабабли ҳам уларни коллайдерлар, яъни инглизчада “Collider” – “Тўқнаштирувчи” деб аташади⁸.

⁸ B.Povh, K.Rith, Ch. Shcolz, F. Zetsche. Particles and Nuclei. An introduction to the physical concepts. 2008. Springer, Berlin-Heidelberg. P. 341-343, 346

3.3. Катта адрон колладери, тузулиши, ишлаш принципи, мақсад ва вазифалари.


Катта адрон колладери -КАК (инглизчада Large Hadron Collider – LHC) ҳозирда дунёдаги энг катта тезлаткич, зарядланган зарраларни қарама-қарши йўналишларда тезлатиб тўқнаштириш натижасида ҳосил бўладиган зарралар табиатини ўрганишга мўлжалланган янги авлод қурилмаси. Унда протонлар ва оғир ионлар (кўргошин ионлари) юқори энергияларда тезлаштирилади ва ҳосил бўлган зарралар хусусиятлари ўрганилади. Бу колладер ЦЕРН (Европа Ядро Тадқиқотлари Маркази) да, Женева шахри яқинида, Швейцария ва Франция чегарасида қурилган. Катта адрон колладери қурилишида 100 дан ортиқ мамлакатлардан келган 10 мингдан ортиқ олим ва мухандислар иштирок этишган. Бу тезлаткичнинг “Катта” деб аталишига сабаб унинг ўлчамлариdir. Асосий ҳалқасининг узунлиги 26 659 метрни ташкил қиласиди. “Адрон” дейилишининг сабаби унда кварклардан тузилган оғир зарралар, яъни адронлар тезлаштирилади. “Колладер” (инглизчада collider – сталкиватель) дейилишига сабаб унда зарралар дасталари қарама-қарши йўналишларда тезлаштирилади ва маҳсус нуқталарда уларнинг тўқнашувлари содир қилинади.



КАК нинг детекторлари ва бирламчи тезлаткичлари.

Протонлар р (ва Pb-қўрғошиннинг оғир ионлари) нинг бирламчи тезлатилиши чизиқли тезлаткичларда, мос ҳолда р ва Pb нукталарда бошланади. Кейин зарралар протон синхротрон (PS) бустерига ўтказилади. Ундан кейин протон суперсинхротрони (SPS) га, кейин эса КАК туннелига ўтади. Схемада кўрсатилмаган ТОТЕМ ва LHCf детекторлари мос ҳолда CMS ва ATLAS детекторлари билан ёнма-ён жойлашган.

Катта адрон колладерининг асосий вазифаси – зарралар билан бўладиган жараёнларни Стандарт модель доирасида баён қилишда олинадиган натижаларнинг тажриба натижаларидан озгина бўлса ҳам оғиш-оғмаслигини катта ишончлик билан аниқлашдан иборат.



Колладер жойлашган жой харитаси.

Элементар зарралар физикасининг ҳозирги ҳолати.

1990 йилларнинг охирида мавжуд 4 та ўзаро таъсириларни Зтасини – кучли, электромагнит ва кучсиз ўзаро таъсириларни бирлаштирган Стандарт модель (СМ) ишлаб чиқилди. Гравитацион ўзаро таъсири эса ҳалигача УНН доирасида баён қилинади. Шундай қилиб, ҳозирда фундаментал ўзаро таъсирилар 2 та умум қабул қилинган назариялар – УНН ва СМ орқали баён

қилинади. Бу назарияларни бирлаштириш квант гравитация назариясини яратиш қийинлигидан ҳалигача амалга ошмади.

Стандарт модель элементар зарраларнинг якуний назарияси ҳисоблана олмайди. Бу модель микродунё тузилиши назариясининг маълум қисми, яъни колладерларда 1 ТэВ дан кичик энергияларда экспериментларда кузатиладиган бир қисми бўлиши мумкин. Бу назарияни “Янги физика” ёки “Стандарт модельдан ташқаридағи” назария деб аташади. Шу сабабли Катта адрон колладерининг бош вазифаси элементар зарралар назарияси Стандарт модельга қараганда анча юқори даражадаги назария эканлигига бирор “ишора”ни топищдан иборат.


Барча ўзаро таъсирларни битта назария доирасида бирлаштириш учун хар хил усуллар қўлланилмоқда: торлар назарияси, М-назариялар, супергравитация назарияси, квант гравитацияси ва бошқалар. Уларнинг айримлари ўз ички муаммоларига эга ва бирортаси тажрибада тасдиқланган натижага эга эмас. Асосий муаммо эса эксперимент ўtkазиш учун мавжуд тезлаткичларда эришиш мумкин бўлмаган энергиянинг зарурлигидир.

Катта адрон колладери айнан шундай энергияларда эксперимент ўтказишга ва мавжуд моделларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлашга имкон беради. Масалан, 4 тадан юқори ўлчамга эга кўплаб физик назариялар мавжуд ва бу назариялар “суперсимметрия” мавжудлигини илгари суради. Масалан, торлар назарияси ёки бу назария суперторлар назарияси ҳам дейилади, чунки суперсимметриясиз бу назария ўз маъносини йўқотади. Суперсимметрия мавжудлигининг экспериментда тасдиқланиши бу назарияларнинг тўғрилигини тасдиқлаган бўларди.

Топ-кварк - энг оғир кварк ҳисобланади. Сўнгги Тэватрон натижаларига кўра унинг массаси 173.1 ± 1.3 ГэВ/ c^2 га teng. Массаси оғирлигидан бу кварк ҳозирга қадар фақат битта тезлаткич – Тэватронда кузатилди. Бошқа тезлаткичларда унинг ҳосил бўлиши учун энергия етишмади. Иккинчи томондан топ - кваркнинг ўзи физиклар учун қизиқ бўлиб қолмасдан, бу кварк Хиггс бозонини ўрганиш учун “инструмент” вазифасини ҳам бажаради. Чунки

Хиггс бозони катта адрон коллайдерида топ-кварк – антикварк жуфтлиги билан биргаликда туғилади, яъни ҳосил бўлади. Шундай Хиггс зарраларининг тўғилишини фондан ишончли ажратиб олиш учун олдиндан топ – кварклар хоссаларини яхшилаб ўрганиш зарур.

Электрозаиф симметрия механизмини ўрганиш катта аҳамиятга эга.



W - ва Z -бозонлар түгулишини кўрсатувчи Фейнман диаграммалари нейтраль Хиггс бозонининг ҳам түгулишини кўрсатади. Катта адрон коллайдерининг асосий мақсадларидан бири айнан шу Хиггс бозонининг мавжудлигини исботлашдир. Хиггс бозонининг мавжудлиги шотланд физиги Питер Хиггс томонидан 1964 йилда Стандарт модель доирасида башорат қилинган. Хиггс бозони Хиггс майдони квенти деб фараз қилинади. Бу майдон орқали зарралар ўтганда маълум қаршиликка учрайди ва массага эга бўлишади. Хиггс бозони ностабиль ва катта масса ($120 \text{ ГэВ}/c^2$ дан катта) га эга. Хиггс бозонининг ўзидан ташқари бу мезон электрозаиф ўзаро таъсирда симметрия бузулишининг Хиггс механизмини ҳам таъминлаши кераклиги сабабли ҳам унинг экспериментда тасдиқланиши ўта муҳимдир.

Кварк-глюон плазма ҳолатини ўрганиш ҳам муҳим физик масалалардан биридир. Коллайдерда ҳар йили 1 ой мобайнида ядролар тўқнашиши содир қилинади. Бунда кўрғошин ядролари тезлатилади ва детекторларда бу ядролар тўқнашиши содир қилинади. Ядроларнинг бундай ультратрелятивистик тезликларда ноэластик тўқнашишида қисқа вақт давомида зич ва иссиқ ядро моддасининг ҳосил бўлиши ва кейинчалик унинг парчаланиши содир бўлади. Бунда модданинг кварк-глюон плазма ҳолатига ўтиши ва кейинчалик совуши

кузатилади. Бу ҳодисани ўрганиш ва тушуниш мукаммал кучли ўзаро таъсир назариясини қуриш учун зарурдир. Бу муаммони ўрганиш Ядро физикаси ва Астрофизика учун ҳам ўта фойдалидир.



CMS детекторида Хиггс бозони туғулиши жараёнини моделлаштириш

Суперсимметрия назариясини асослаш ҳам катта адрон коллайдери мақсадларидан биридир. Бу назарияга кўра ҳар бир элементар зарра жуда оғир массали жуфти (партнери) га, яъни “суперзарра”сига эга.

Фотон-адрон ва фотон-фотон түқнашишларни ўрганиш Катта адрон коллайдерида ўрганиладиган жараёнлардан биридир. Маълумки, электромагнит ўзаро таъсир фотонлар (айрим ҳолларда виртуаль фотонлар) алмашиши орқали содир бўлади. Бошқача айтганда фотонлар электромагнит майдон ташувчилари ҳисобланади. Протонлар электр зарядига эга ва шу сабабли электростатик майдон билан ўралган. Шу сабабли бу майдонни виртуаль фотонлар булулти деб фараз қилишимиз мумкин. Ҳар қандай протон, айниқса релятивистик протон ўз атрофида шундай виртуаль зарралар булутини ҳосил қиласди. Бу виртуаль зарралар булути протоннинг таркибий қисми ҳисобланади. Протонлар ўзаро тўқнашганда ҳар бир протонни ўраб турган бу виртуаль зарралар ҳам ўзаро тўқнашадилар. Зарраларнинг ўзаро тўқнашиш жараёни математик нуқтаи-назардан қатор тузатмаларга эга ва бу тузатмаларнинг ҳар бири ушбу

виртуаль зарралар ўзаро таъсирини акс эттиради. Буни Фейнман диаграммаларда кўриш мумкин. Шу сабаб протонлар тўқнашишини тадқиқ қилишда юқори энергиялардаги модданинг фотонлар билан ўзаро таъсири ҳам бевосита ўрганилади ва бу тадқиқотлар назарий физика учун катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга алоҳида турдаги жараёнлар – протонлар ўзаро тўқнашишида икки фотоннинг ўзаро таъсир ва фотон-адрон ўзаро таъсир жараёнлари ҳам ўрганилади. Ядролар ўзаро таъсирида, ядролар электр зарядининг катталиги сабабли, электромагнит жараёнларнинг таъсири янада юқори бўлади.

Экзотик назарияларни текшириш ҳам Катта адron коллайдери вазифаларидан биридир. Маълумки, 20-аср ниҳоясида назариётчилар томонидан Олам тузулиши тўғрисида кўплаб ноодатий ғоялар илгар сурилди. Бу ғоялар “экзотик моделлар” ёки “экзотик назариялар” деб аталади. Бундай назарияларга 1 ТэВ энергия масштабидаги кучли гравитация назарияси, катта ўлчамли моделлар, преон моделлари (бу моделларда кварклар ва лептонлар бошқа майда зарралардан ташкил топган деб қаралади) ва янги турдаги ўзаро таъсирга асосланган моделлар кабилар киради. Экзотик назарияларнинг юзага келишига асосий сабаб ҳозирда мавжуд экспериментал натижалар ягона кучли ўзаро таъсир назариясини қуриш учун етарли эмас. Лекин мавжуд экспериментал натижалар бу назарияларни маълум маънода тасдиқлайди. Шу сабабли катта адron коллайдерида олинадиган натижалар бу назарияларни текшириш имкоиятини беради.

Шу билан бирга Катта адron коллайдерида параллель коинотни излаш таклифлари ҳам мавжуд, яъни мини қора ўра ҳосил қилиш орқали. Модернизация қилингандан кейин Катта адron коллайдери энергияси 14 ТэВ га этиши режалаштирилган.

Бундан ташқари Стандарт модель баён қила олмайдиган жараёнларни топиш, W- ва Z-бозонлар хоссаларини тадқиқ қилиш, ўта юқори энергияларда ядро ўзаро таъсирларини ҳамда b- ва t- кваркларнинг туғилиш ва парчаланиш

жараёнларини ўргаиш каби муаммолар ҳам Катта адрон колладери вазифалари қаторига киради.

Катта адрон колладерининг техник характеристикалари



ATLAS детектори жойлашган ер ости иншоати (октябрь 2004 йил)



ATLAS детекторини йиғиши жараёни (февраль 2006 йил)

Тезлаткичда түқнашувчи протонларнинг умумий энергияси масса маркази системасида 14 ТэВ (яъни 14 тераэлектронвольт ёки 14×10^{12} электронвольт) ни, қўргошин ядроси энергияси эса ҳар бир түқнашувчи нуклонлар жуфти учун 5 ГэВ (5×10^9 электронвольт) ни ташкил қиласди. 2010

йил бошида КАК тезлатилган протонлар энергияси жиҳатдан олдинги рекордчи тезлатгич – Теватронни, яъни Энрико Ферми номидаги Миллий тезлатгич лабораторияси (АҚШ) да жойлашган протон-антипротон коллайдерини ортда қолдирди. Ҳозирда Катта адрон коллайдери дунёда энг қувватли тезлатгич ҳисобланади. Унинг энергияси Брукхейвен лабораторияси (АҚШ) да жойлашган оғир ионлар релятивистик коллайдери – RHIC энергиясидан бир тартиб юқори. Дастребки вақтда тезлатгичнинг равшанилиги 10^{29} зарра/см²·с бўлиб бу кўрсатгич доимо яхшиланиб борилмоқда ва бу кўрсатгични $1,7 \cdot 10^{34}$ зарра/см²·с етказиш режаси бор. Бу борада КАК BaBar (SLAC, АҚШ) ва Belle (KEK, Япония) тезлатгичларига тенглашади.

Тезлатгич жойлашган туннель узунлиги 26,7 км бўлиб 50 дан 175 метргача бўлган чуқурликда Швейцария ва Франция ҳудудларида жойлашган. Протонлар дастасини ушлаб туриш, тўғирлаш ва фокуслаш учун ишлатиладиган 1624 та ўта ўтказувчан магнитларнинг умумий узунлиги 22 км ни ташкил қиласди. Бу магнитлар 1,9 К (-271°C) температурада, яъни гелийнинг ўта оқувчанлик температурасидан паст температурада ушлаб турилади [14].

Детекторлар

КАК да 4 та асосий ва 3 та ёрдамчи детекторлар ишлатилади:

- ALICE (A Large Ion Collider Experiment)
- ATLAS (A Toroidal LHC ApparatuS)
- CMS (Compact Muon Solenoid)
- LHCb (The Large Hadron Collider beauty experiment)
- TOTEM (TOTal Elastic and diffractive cross section Measurement)
- LHCf (The Large Hadron Collider forward)
- MoEDAL (Monopole and Exotics Detector At the LHC).

ATLAS, CMS, ALICE, LHCb — катта детекторлар бўлиб улар дасталар учрашадиган нуқталар атрофида жойлашган.

TOTEM, LHCf ва MoEDAL — ёрдамчи детекторлар бўлиб улар дасталар учрашадиган нуқталардан бир неча ўн метр масофада жойлашган.



CMS детектори

ATLAS ва CMS — детекторлари Хиггс бозонини излаш ва “ностандарт физика”ни ҳамда қора материяни излашга мүлжалланган. ALICE — детектори кўрғошин ионлари тўқнашувларида кварк-глюон плазмани ўрганишга, LHCb — материя ва антиматерия орасидаги фарқни янада яхшироқ тушунишга ёрдам берувчи b -кварклар физикасини ўрганишга, TOTEM — детектори зарраларнинг кичик бурчакларга сочилишини ўрганишга (бунда зарралар тукнашмасдан яқин масофалардан учиб ўтишади, яъни тўқнашмайдиган зарралар, forward particles, ва натижада протонлар ўлчамини юқори аниқликда топиш мумкин, коллайдер равшанлигини назорат қилиш мумкин), ва LHCf — ўша тўқнашмайдиган зарралар ёрдамида моделлаштириладиган коинот нурларини тадқиқ қилишга мүлжалланган. MoEDAL детектори эса секин ҳаракатланувчи оғир зарраларни излашга мүлжалланган. Коллайдернинг ишлаш жараёнида дасталар тўқнашадиган 4 та нуқтанинг барчасида бирданига протонлар ёки ядроларнинг тўқнашувлари содир қилинади ва барча детекторлар бир вақтнинг ўзида статистика йиғиб олади.

Коллайдерда зарраларни тезлатиш жараёни

Коллайдердаги зарралар тезлиги вакуумдаги ёруғлик тезлигига яқин. Тезлатиш жараёни бир неча босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда Linac 2 ва Linac 3 паст энергияли чизиқли тезлатгичларда протон ва қўрғошин ионлари инжекцияси содир қилинади. Кейин зарралар янада тезлатиш учун протон синхротрон (PS) бустерига (унда 28 ГэВ энергияга эришгач), сўнг эса протон синхротрон (PS) нинг ўзига ўтказилади. Бу босқичда зарралар ёруғлик тезлигига яқин тезлиқда ҳаракатланади. Кейин эса зарралар тезлатилиши протон суперсинхротрон (SPS) да давом этади ва улар энергияси 450 ГэВ га етади. Бундан кейин зарралар тўдаси 26,7-километрлик ҳальқага йўналтирилади ва унда протонлар энергияси максималь 7 ТэВ га етказилади, кейин кесишиш нуқталарида детекторлар содир бўлган жараёнларни қайд қиласди. Иккита қарама-қарши зарралар дастасининг ҳар бири 2808 та “тўда”га эга бўлиши мумкин. Бу “туда”лар бир биридан ўрнатилган маълум масофаларда жойлашади. Зарралар “тўда”си узундлиги бир неча сантиметрга teng ва ҳалқа бўйлаб синхрон ҳаракатланади. Жараён бошланишида факат битта “тўда” тезлатилади ва кейин “тўда”лар сони ошириб борилади. “Тўда”лар маълум кетма-кетликда ҳалқанинг детекторлар жойлашган 4 та нуқтасида тўқнашадилар. КАК даги барча “тўда”лар кинетик энергияси, уларнинг массаси нанограммдан юқори эмас ва оддий кўзга кўринмаса ҳам, реактив самолёт кинетик энергиясига teng. Бу энергияга зарраларнинг ёруғлик тезлигига яқин бўлган тезлиги орқали эришилади. 7 ТэВ энергияли протонлар тезлиги ёруғлик тезлигидан 3 м/с га кам холос. “Тўда”лар тезлатгич бир айланасини 0,0001 секунддан камроқ вақтда босиб ўтади. Улар секундига 10 минг айланишни амалга оширади⁹.

Энергия истеъмоли

Тезлатгич ишлаб турганида электр энергия сарфи 180 МВт ни ташкил қиласди. Бу энергияни қиёслаш учун қўйидаги фактларни келтириш мумкин: 2009 йилда бутун ЦЕРН нинг электр таъминоти — 1000 ГВт·с бўлган бўлса, бу

⁹ The Future Circular Collider study, CERN Courier, Mar 28, 2014.p.-74

миқдорнинг 700 ГВт·с қисми тезлатгичга сарф қилинган. Бу миқдор бутун Женева шаҳри йиллик энергия сарфининг 10% ини ташкил қиласди.

Катта адрон коллайдерининг қурилиши тарихи




Катта адрон коллайдери жойлашган 27-километрлик ер ости туннели

Катта адрон коллайдерини қуриш ғояси 1984 йилда туғилган. Бу фоя 10 йилдан кейин расмий равишда тасдиқдан ўтган ва қурилиш ишлари 2001 йилда, бундан олдинги коллайдер – Катта электрон – позитрон коллайдери қурилиши тугаши билан бошланган. Лойиха раҳбари – Линдон Эванс. 2006 йил 19 ноябрда магнитларни совутиб туриш учун маҳсус криоген линияси қурилиши тугалланди. Шу йили 27 ноября туннелда охирги ўта ўтказувчан магнит ўрнатилди.

Синов ва эксплуатация ишлари

2008 йил:

- 11 августда дастлабки синов ишларининг биринчи қисми муваффақиятли тугалланди. Синов даврида зарядли зарралар дастаси КАК нинг битта ҳалқаси бўйлаб тахминан 3 км масофани босиб ўтди.
- 10 сентябрда коллайдернинг расмий ишга тушурилиши бўлиб ўтди. Протонлар дастаси коллайдернинг бутун периметрини қарама-қарши йўналишларда босиб ўтишди.



ATLAS детектори, ноябрь 2006 йил

- 12 сентябрда циркуляцияланувчи зарралар дастасини ҳосил қилиш ва узоқ вақт давомида уни ушлаб туришга муваффақ бўлинди.
- 19 сентябрда магнит системасини текшириш вақтида авария содир бўлди ва тезлатгич ишдан чиқди. Бунга сабаб –ток ошиши натижасида электр ёйи ҳосил бўлиши оқибатида ўта ўтказувчан магнитлар орасидаги контактнинг эриб кетиши бўлди. Бир йил вақт мобайнида коллайдер таъмирланди.

2009 йил:

- 20 ноября таъмирдан кейин протонлар дастаси коллайдернинг бутун ҳалқаси бўйлаб муваффақиятли ўтди.
- 29-30 ноября ҳар бир протонлар дастаси энергияси 1180 ГэВ гача етказилди ва натижада КАК дунёдаги протонларнинг энг қувватли тезлатгичига айланди.
- 9 декабря рекорд энергияли протонлар дасталари тўқнашув жараёни содир қилинди: — 2,36 ТэВ ($= 2 \times 1180 \text{ ГэВ}$).

2010 йил:

- 30 марта протонлар дастаси энергияси 3,5 ТэВ га етказилди ва натижавий энергияси 7ТэВ бўлган протонларнинг тўқнашуви содир этилди. КАК да дастлабки узоқ муддатли илмий тадқиқот сеанси ўз ишини бошлади.

- 4 ноябрда Коллайдер оғир ионлар режимига ўтказилди ва оғир ионлар (қүрғошин ионлари) “тұда”ларини ишга тушириш бўйича тест ишлари бошланди.

- 7 ноября 5,74 ТэВ энергияга эга оғир ионларнинг тўқнашувлари содир қилинди ва бу жараён бир ой давомида ўрганилди.

2011 йил:

- 22 апрелда адрон коллайдерлар учун рекорд кўрсатгич – максималь равшанлик ўрнатилди: $4,67 \cdot 10^{32} \text{ см}^{-2} \cdot \text{сек}^{-1}$. Олдинги рекорд кўрсатгич Тэватронда 2010 йилда ўрнатилган бўлиб у $4,02 \cdot 10^{32} \text{ см}^{-2} \cdot \text{сек}^{-1}$ га тенг эди.

- 15 ноября қўрғошин ионларини тўқнаштириш бўйича 3 ҳафталик дастур ўз ишини бошлади.

2012 йил:

- 16 марта протонлар биринчи марта 4 ТэВ энергиягача тезлатилди.
- Сентябрда дастлабки протон-ион тўқнашувлари бўйича синов ишлари амалга оширилди.
- 17 декабря протон тўқнашувларининг биринчи босқичи муваффақиятли якунланди.

2013 йил:

2013 йил бошида протон-ион тўқнашувлари сериялари амалга оширилди. 14 февралдан эса коллайдерда бажариладиган ишлар модернизация қилиниши муносабати билан 2014 йил охиригача бўлган муддатга тухтатилди.

2015 йил:

- 5 апрелда Катта адрон коллайдери икки йиллик танаффусдан кейин ишга туширилди.
- 11 апрелда протонлар 6,5 ТэВ энергиягача тезлатилди.
- 21 майда 6,5 ТэВ энергияли протонлар қарама-қарши дасталарининг тўқнашуви содир этилди.
- 3 июнда тўлиқ 13 ТэВ энергияли тўқнашувлар натижаларини йигиш ва таҳлил қилиш ишлари бошланди.

- 14 июлда LHCb коллаборацияси пентокварклар деб номланувчи зарралар синфи тажрибада топилганини эълон қилди¹⁰.

3.4 Катта адрон коллайдерида олинган энг муҳим натижалар:

Хиггс бозонининг мавжудлиги тажрибада тасдиқланди, унинг массаси $125,09 \pm 0,21$ ГэВ га тенглиги аниқланди.

- 8 ТэВ гача бўлган энергияларда протон тўқнашувларининг асосий параметрлари аниқланди.

• Тэватронда илк кузатилган t -кваркнинг мавжудлиги тасдиқланди.

• B_s -мезонларнинг иккита янги парчаланиш канали аниқланди.

• Назарий йўл билан башорат қилинган янги $\chi_b(3P)$, Ξ_b^{*0} , $\Lambda_b^{0*}(5912)$ ва $\Lambda_b^{0*}(5920)$ зарралар кашф қилинди.

- Тэватронда 2009 йилда кузатилган $Y(4140)$ зарранинг кузатилгани эълон қилинди¹¹.

3.5. Истиқболдаги режалар. Кейинги авлод коллайдерлари

2018 йилгача коллайдерда 13-14 ТэВ энергиялардаги натижалар статистикаси йиғилади. Кейин 2 йилга коллайдер фаолияти тўхтатилади. Бу даврда бирламчи тезлатгичлар дасталар интенсивлигини ошириш мақсадида модернизация қилинади. Шу билан бирга детекторлар сезгирлиги оширилади ва бу ҳолат коллайдер равшанлигини икки марта оширишга олиб келади. 2021 йил бошидан 2023 йил охиригacha 14 ТэВ энергияли тўқнашувлар натижалари олинади ва ўрганилади. Шундан сўнг коллайдер яна 2,5 йилга тўхтатилади. Бу вақт мобайнида тезлатгичнинг ўзи ҳам детекторлар ҳам модернизация қилинади. Натижада равшанликнинг 5-7 марта оширилиши кўзда тутилган. Бунга дасталар интенсивлигини ошириш ва дасталар тўқнашадиган нуктада фокусни кучайтириш орқали эришиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари протон ва электронлар тўқнашувини амалга ошириш (LHeC лойиҳаси) имконияти ҳам муҳокама қилинмоқда. Бунинг учун

¹⁰ LHCb Collaboration. First observation of $B^0_s \rightarrow J/\psi f_0(980)$ decays // Physics Letters B. — 2011. — Т. 698, № 2. — С. 115—122. — DOI:10.1016/j.physletb.2011.03.006. — arXiv:1102.0206.

¹¹ LHCb Collaboration. First observation of $B_s \rightarrow D_{\{s2\}^{*+}} X \mu^- \nu$ decays // Physics Letters B. — 2011. — Т. 698, № 1. — С. 14-20.

электронларни тезлатиш линияси қурилиши талаб қилинади. LHeC лойиҳасига энг яқин лойиҳа немисларнинг электрон-протон коллайдери - HERA ҳисобланади. Чунки протон-протон түқнашувларига қараганда электроннинг протонда сочилиши протоннинг кварк структурасини ўрганиш учун “тоза” инструмент вазифасини бажаради. Барча модернизацияларни эътиборга олганда катта адрон коллайдери 2034 йилгача фаолият юритади. Лекин 2014 йилда ЦЕРН да юқори энергиялар физикасини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш бўйича қарор қабул қилинган. Периметри 100 км гача бўлган коллайдер қуриш имкониятларини ўрганиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Бу лойиҳа FCC (Future Circular Collider) номини олган. Лойиҳа Z-, W-, Хиггс бозонлари ва t-кваркни ўрганишга мўлжалланган даста энергияси 45-175 ГэВ ли электрон-позитрон (FCC-еे) машинасини ва 100 ТэВ энергияли адрон коллайдери (FCC-hh) ни яратишни ўз ичига олади.

Лойиҳанинг маблағ билан таъминланиши

Лойиҳа бюджети 2009 йил ноябрь ойи ҳолатига 6 млрд. долларни ташкил қиласди. Хусусий ва давлат инвестициялари 10 млрд.дан 18 млрд.гача деб баҳоланаётганини эътиборга олсак, бутун лойиҳа тахминан 20 млрд. долларга баҳоланиши келиб чиқади.

Назорат саволлари:

1. Тезлаткичлар ва уларнинг вазифасини тушунтиринг?
2. Катта адрон коллайдери мақсад-вазифаларини тушунтиринг?
3. Катта адрон коллайдери тузулиши ва ишлаш принципини тушунтиринг?
4. Катта адрон коллайдери лойиҳаси ва қурилиш тарихини изоҳланг?
5. Катта адрон коллайдери фаолиятига жамоатчиликнинг муносабати қандай?
6. Катта адрон коллайдерида эришилган натижаларни тушунтиринг?
7. Истиқболдаги тадқиқот ишларини тушунтиринг?
8. Катта адрон коллайдери истиқболини тушунтиринг?

Фойдаланган адабиётлар:

1. A luminous future for the LHC, CERN Courier, Feb 23, 2015.
2. The Future Circular Collider study, CERN Courier, Mar 28, 2014.
3. *LHCb Collaboration*. First observation of $B_s^0 \rightarrow J/\psi f_0(980)$ decays // Physics Letters B. - 2011. - Т. 698, № 2.-С. 115-122. -DOI:10.1016/j.physletb.2011.03.006. - arXiv:1102.0206.
4. *LHCb Collaboration*. First observation of $B_s \rightarrow D_{s2}^{*-} X \mu^- \nu$ decays // Physics Letters B. — 2011. —Т. 698, № 1. — С. 14-20. —

4- мавзу: Нанофизика ва нанотехнологиялар

Режа:

1. Фан тараққиёининг ўзига хос хусусиятлари, янги фанларнинг шаклланиши ва уларнинг юзага келишидаги асослар
2. Нанофизиканинг шаклланиши, мақсад ва вазифалари
3. Нанотехнологияларнинг пайдо бўлиши, мақсад ва вазифалари
4. Нанофизика ва нанотехнологиялар эришган ютуқлар
5. Бу фанларнинг ривожланишига жамиятнинг муносабати

Таянч тушунчалар: *нанофизика, нанометр, нанотехнология, графен, нанотрубка, наноаккумлятор, нанообъект.*

4.1. Фан тараққиёининг ўзига хос хусусиятлари, янги фанларнинг шаклланиши ва уларнинг юзага келишидаги асослар

Маълумки, фан билимларнинг системалашган тизими бўлиб, у оддийдан мураккабга қараб ривожланиш йўлига эга. Буни физика ва астрономия фанлари мисолида қарайдиган бўлсақ, бу фанлар инсоният эришган ва эришаётган илмий-техник тараққиётнинг асосини ташкил қилади. Қадимдан то XVIII аср охиригача бу фанлар фалсафа фани таркибида ўз ривожланиш йўлини босиб ўтган бўлса, кейинчалик мустақил фан сифатида табиат сир-синоатларини

очишга, улар асосида жамият тараққиётига, инсоният турмуш тарзини яхшилашга хизмат килиб келмоқда.

Электрон ва радиоактивлик ҳодисасининг кашф қилиниши материяни ўрганишнинг янги эрасини бошлаб берди. Материя қаърига чукурроқ кириб бориш, унинг сир асрорларини ўрганиб, улардан жамият траққиёти, инсоният эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш бу интилишларнинг асосини ташкил қиласди.

Дунё миқиёсида сўнгги 20-25 йил мобайнида катта ютуқларга эришилган йўналишларни қарасак, улар асосан кичик ўлчамларда, яъни кичик ўлчамдаги жараёнлар ўрганиш натижасида шундай ўлчамдаги, объектларни яратиш ва улардан кенг фойдаланиш соҳсида рўй бераётганини кўриш мумкин.

Шу сабабли ҳам кичик ўлчамдаги жараёнларни ўрганиш ва улардан жамият ривожи йўлида фойдаланишни фан тараққиётининг ўзига хос хусусияти деб қарашимиз мумкин. Бунга шундай кичик масофалардаги воқеликни ўрганувчи янги шаклланаётган фанлар – нанофизика, нанохимия, нанобиология, наномедицинани мисол сифатида келтириш мумкин.

Бу фанларнинг ривожланишига асос бўлиб ҳозирги замон фан-техникасининг имкониятлари хизмат қиласди. Масалан, нанофизика соҳасида графен тузилмасини мисол қилишимиз мумкин. графен структураси Манчестр университети олимлари томонидан олинган ва структура ажратиб олинганда унинг хусусиятлари бутунлай ўзгариши намоён бўлган. Шунга ўхшаш бирор моддадан айрим наноструктура ажратиб олинса унинг наномасштабдаги хусусиятлари моддадаги хусусиятларидан бутунлай бошқача бўлиши маълум бўлди. Шундай қилиб графен дунёдаги энг юпқа материал бўлиб графит (кўмир) моддасидан олинган, унинг қалинлиги атом ўлчамига teng, мустаҳкамлиги олмосдай, электр ва иссиқлик ўтказувчанлиги мисдан ҳам яхши. Лекин унинг механик, оптик, иссиқлик ва электр ўтказувчанлик хусусиятларини янада яхшилаш мумкинлиги маълум. Шу жиҳатдан графен энг истиқболли материал ҳисобланмоқда ва унинг қўлланилиши фан-техника тараққиётини тезлаштириши (ҳозирда самарали электр батареялари, иссиқлик элементлари, сувни чучуклаштиргичлар ва юқори сезгир элементлар яратилган

ва уларни кенг ишлаб чиқариш масалалари кўрилмоқда) ҳамда инсоният турмуш тарзини янада яхшилаши кутилмоқда.

Шунга ўхшаш химия, биология ва медицина фанларида ҳам атом, молекула, ҳужайра даражасидаги янги хоссаларни қўллаш орқали бу фанлар муаммоларини ечиш ишлари бошлаб юборилган.

Нанотехнологиялар соҳаси фикримизни янада яққол тасдиқлайди.

4.2 Нанофизиканинг шаклланиши, мақсад ва вазифалари

Нанофизика – нанометр ўлчамдаги обьектлар физикаси. Нанометр - 10^{-9} метр ўлчамни англатади. Ҳозирги вақтгача конденсацияланган ҳолат физикасида шундай ўлчамдаги обьектлар билан ишлаб келинган эди. Ҳаёт тақозаси билан янги материаллар олиш, уларда олдиндан белгиланган хусусиятларни ҳосил қилиш каби талаблар бу йўналишнинг шаклланишига олиб келди. Шу сабабли нанофизикани нанообъектлар ва наносистемалар соҳасидаги конденсацияланган ҳолат физикаси деб аташимиз мумкин. Нанофизиканинг бошқа фанларга нисбатан ўрнини (макро-, микро-, атом, молекуляр физика ва бошқ.) аниқлаш учун нанометрни атом ўлчами билан таққослаймиз. Шунда нанофизика ўнлаб атомлардан иборат обьектлар билан ишлаши келиб чиқади ва унинг методлари бу обьектлардаги алоҳида зарралар хоссаларини баён қилиши, “кўриши” ёки ўлчаши мумкин бўлади.

Табиатда нанообъектлар мавжуд эмас. Лекин табиат қонунлари бу обьектларни замонавий химия ва нанотехнологиялар усуллари ёрдамида яратишни, ҳосил қилишни инкор қилмайди. Хусусан, сўнгги 20 йил мобайнида карбонлар химияси кескин ривожланишга эришди. Фуллерин – тўғри қўпқиррали тузилишга эга, ўнлаб, юзлаб ҳатто минглаб углерод атомларидан ташкил топган молекула, нанотрубкалар – диаметри бир неча нм ўлчамга ва бир неча см узунликка эга цилиндрлар, ва бу тузилмаларнинг агрегат ҳолатлари (трубкага жойлашган фуллерин шариклар, трубка ичига жойлашган трубка, трубкалардан ўрилган “канатлар”, ва ҳакоза.). Бу обьектлар электр занжирига уланса молекуляр транзистор, тўғирлагич, электронларни бир электроддан


иккинчисига биттадан ўтказадиган “куръер”ларга айланади. Углерод (карбон) нанотехнологиясининг сўнгги ютуғи – графен текисликлари, яъни бир атом қалинлигидаги пленкалар бўлиб, улар олти бурчакли асалари уясини эслатади. Графен нанотехнологияси барча кўрсатгичлар –қурилма ихчамлиги, ишлаш тезлиги, маълумотни ёзиш зичлиги, ва ҳакоза бўйича кремнийли технологияни сиқиб чиқариши башорат қилинмоқда. Бу молекуляр нанофизикага параллел равишда сунъий атом ва молекулалар физикаси – квант нукталар физикаси ҳам ривожланмоқда. Квант нуқта – электронлар учун жуда кичик радиусга эга қопқон бўлиб бу радиус ихтиёрий электроннинг тўлқин узунлигига яқин ўлчамга эга. Шу сабабли атом ёки молекуладаги каби квант нуктадаги барча ҳолатлар квантланган бўлади. Одатда квант нукталар икки GaAs/(Ga,Al)As яримўтказгичдан иборат “сендвич” – гетероструктурага электродлар киритиш билан ҳосил қилинади. Яримўтказгичлар орасидаги чегара – интерфейсда икки ўлчамли электрон газ ҳосил қилинади. Бу электронларнинг маълум қисми электродлар томонидан ҳосил қилинган ёпиқ электростатик қопқонда ушлаб қолинади. Бу қопқон квант нуқта вазифасини бажаради. Икки ўлчамли электронлар берилган кучланиш таъсирида квант нуқта орқали битта-битталаб туннелдан ўтгандай ўтади. Натижада Ом қонуни ифодалаган ток ва кучланиш орасидаги чизиқли боғланиш ўрнига поғонали вольт – ампер характеристикага эга бўлинади.

Ҳар бир поғона кучланиш остида навбатдаги электроннинг туннелланишига мос келади. Шундай қилиб электронларни квант нуктада битталаб санаш мумкин бўлади. Дисксифат квант нукталарда электродлар қопқонни қобиқларга ажратади ва натижада ушлаб олинган электронлар атомлардаги каби қобиқлар – орбиталар бўйлаб тақсимланадилар. Бу “цилиндрик” атомлар Менделеев-Бор қонунига мос ўзларининг хусусий даврий системасини ташкил қиласди.

Нанофизиканинг яна бир ҳайратланарли ихтироси – оптик панжаралардир. Бу панжараларда даврий “кристалл” структура кесишган лазер дасталари ёрдамида ҳосил қилинади. Оптик панжара тугунларида ишқорий ёки

оралиқ металларнинг нейтрал атомлари жойлаштирилади. Ўзининг физик хусусиятларига кўра бу нурдан ясалган кристаллар оддий кристалларни эслатади. Лекин уларнинг параметрлари тажриба қурилмасида осон ўзгартирилиши мумкин.

Шундай қилиб, нанофизика – экспериментаторлар санъати натижасида яратилган объектлар физикасидир. Бу объектларда квант механикасининг барча конуниятлари бажарилади. Факат улар она табиат томонидан табиий ҳолда яратилмаган. Бу объектлар келажак наноэлектроникаси учун ўта фойдали бўлар, лекин ҳозирликча нанофизика соҳасидаги ишлар фундаментал фан ва технология тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди¹².



**Нанотрубка асосида
яратилган
молекула ўлчамидаги шестерна (тишлама) лар**

4.3 Нанотехнологияларнинг пайдо бўлиши, мақсад ва вазифалари

Нанотехнология - фундаментал ва амалий фанлар ҳамда техниканинг бирлашган соҳаси. Бу соҳада назарий асослаш, тадқиқотнинг амалий методлари, анализ ва синтез, ишлаб чиқариш усуллари, алоҳида табиатда мавжуд атом ва молекулалар хоссалари асосида назорат қилинадиган танланган хусусиятли атом структураларини ишлаб чиқиш ва қўллаш каби вазифалар тўплами амал қиласи.

Ҳозирга (2015 йил сентябр ойи) қадар нанотехнология ва наномаҳсулотни таърифловчи ягона стандарт мавжуд эмас.

“Нанотехнологиялар” тушунчасига қуйидаги таърифлар берилган:

¹² James E. McClellan III, Harold Dorn. Science and Technology in World History. Second Edition. Johns Hopkins university press, 2006. p.263, 210-235 бет

ISO/TK 229 техник қўмитасида нанотехнологиялар деганда қўйидагилар тушунилади:

1 1 нм (100 нм дан кичик ўлчамларда ҳам) ўлчамдаги билим ва жараёнларни бошқариш, бир ва бир неча ўлчамли эфект (ходиса), уларни амалда қўллаш имкониятларини яратса;


2 Объект ва материаллар хоссалари нанометр масштабларда ишлатилса ва бу хоссалар табиий атом ёки молекулалар хоссаларидан ҳамда улардан ясалган моддалар ҳажм хусусиятларидан фарқ қиласа, бу хоссалардан фойдаланиб янада мукаммал материаллар, асбоб-ускуналар, системалар яратилса.

Нанотехнологиянинг амалий аспекти атомлар, молекулалар ва нанозарраларни яратиш, ишлов бериш ва бошқариш учун зарур бўлган асбоб-ускуна ҳамда уланинг компоненталарини ишлаб чиқаришдан иборат. Бунда объектнинг чизиқли ўлчами 100 нм дан кам бўлиши шарт эмас. Балким объект нанообъектлардан иборат макрообъект ҳам бўлиши мумкин.

Нанотехнологиялар амалдаги фанлардан сифат жиҳатдан фарқ қиласи. Чунки бу масштабларда амалдаги моддага ишлов берувчи макроскопик технологияларни қўллаб бўлмайди. Микроскопик ҳодисалар (масалан, Ван-дер-Ваальс кучлари, квант эфектлари) эса оддий масштабларда жуда кучсиз, лекин микромасштабларда анча аҳамиятли бўлади.

Нанотехнология, асосан молекуляр технология — янги, жуда кам ўрганилган фан ҳисобланади. Бу соҳада башорат қилинаётган асосий кашфиётлар ҳали амалга оширилгани йўқ. Лекин олиб борилаётган тадқиқотлар ўзининг амалий натижасини бермоқда. Замонавий электрониканинг тараққиёти қурилмалар ўлчамларининг камайиши томонга қараб йўналган. Иккинчи томондан мавжуд классик ишлаб чиқариш ҳам харажатлар ошиши ҳисобига тўсиқка учрамоқда. Шу сабабли нанотехнология электроника ва бошқа фан ютуқларини талаб қиласиган ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланишидаги кейинги босқич сифатида қаралмоқда.

Нанотехнологиянинг юзага келиш тарихи



Углерод нанотрубкасининг ички тасвири

Нанотехнологияга асос бўлган методларни 1959 йилда Ричард Фейнманнинг Калифорния технология институтида бўлиб ўтган Америка физика жамиятининг йиллик мажлисидаги чиқиши билан боғлашади. У алоҳида атомларни улар ўлчамидаги манипулятор ёрдамида аралаштириш таклифини берган эди.

Атом даражасидаги объектларни тадқиқ қилиш таклифи И.Ньютон томонидан 1704 йилда нашр қилинган. Китобда Ньютон келажакда микроскоплар “корпускула сирлари”ни ўрганишга имкон беришига умид қилишини баён қилган.

“Нанотехнология” термини биринчи бўлиб Норио Танигути томонидан 1974 йилда ишлатилган. У бу термин билан бир неча нанометр ўлчамга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни назарда тутган. Ўтган асрнинг 88-йилларида Эрик К. Дрекслер бу терминни ўзининг “Яратувчи машиналар: келаётган аср - нанотехнологиялар асри” («Engines of Creation: The Coming Era of Nanotechnology») ва «Nanosystems: Molecular Machinery, Manufacturing, and Computation» китобларида ишлатган.

Миниатюризациянинг замонавий тенденцияси шуни кўрсатдик, модданинг кичик зарраси ажратиб олинса, бу модда ўзининг умуман янги хусусиятларини намоён қилас экан. Айрим материалларнинг нанозарралари жуда яхши каталитик ва адсорбцион хусусиятларини намоён қилса, бошқалари ажойиб оптик хусусиятларига эга бўлиб қолади. Масалан, органик материалларнинг жуда юпқа пленкасини Қуёш батареялари ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Бу батареялар паст самарадорликка эга бўлишади, лекин арzon ва механик таъсирларга чидамли. Сунъий нанозарраларни наноўлчамли табиий бирикмалар – оқсиллар, нуклеин кислоталари ва бошқалар билан таъсирлашишга эришилмоқда.

Нанообъектлар З синфга бўлинади: уч ўлчамли зарралар, улар ўтказгичлардан, плазма синтези ва юпқа пленкаларни тиклаш ва бошқа йўллар билан олинади, икки ўлчамли объектлар – молекуляр ва ион қатламлаштириш йўли билан олинган пленкалар, бир ўлчамли объектлар – вискерлар, молекуляр қатламлаштириш усули орқали олинади. Бундан ташқари нано композитлар ҳам мавжуд бўлиб, улар нанозарраларни қандайдир матрицага киритиш йўли билан олинган материаллар ҳисобланади. Молекуляр ва ион қатламлаштириш усуслари реал monoқатламлар олишнинг ишончли усуслари ҳисобланади. Табиий ва сунъий яратилган органик нанозарралар алоҳида синфи ташкил қиласи. Ҳажмга эга материаллардан ташқари нанозарраларнинг физик ва химик хусусиятлари уларнинг ўлчамига жуда ҳам боғлиқ бўлганидан нанозарралар ўлчамини эритмаларда ўлчаш усусларига бўлган қизиқиш ортмоқда. Бу усусларга нанозарралар траекторияларини таҳлил қилиш, динамик нур сочилиши, седиментацион анализ ва ультратовуш усуслари киради.

Нанотехнология олдида турган муҳим масалалардан бири – молекулаларни маълум йўл билан группалаштириш, ўзташкиллаштириш ва натижада янги материаллар, қурилмалар олишдир. Бу муаммо билан химиянинг бўлими – супрамолекуляр химия шуғулланади. Бу бўлим алоҳида молекулаларни эмас, молекулалар орасидаги ўзаро таъсирни ўрганади. Бу кучлар молекулаларни тартиблаштириш асосида янги модда ва материаллар

ҳосил қилиши мумкин. Табиатда шундай кучлар ва жараёнлар мавжуд. Масалан, биополимерлар махсус тузилмага келиш хусусиятига эга. Оқсиллар ҳам турли бирикмалар ҳосил қилиш хусусиятига эга.

Нанозарраларнинг қўлланилишига битта хусусият тўсқинлик қилмоқда. Бу нанозарралар агломератлар, яъни бир-бирига ёпишиши натижасида кераксиз бирикмалар ҳосил қиласди. Шу сабабли керамика ва металургия соҳасида истиқболли ҳисобланган нанозарралардан фойдаланишда бу муаммони ҳал қилиш керак¹³.

4.4 Нанофизика ва нанотехнологиялар эришган ютуқлар

Нанотузилмалар соҳасидаги кейинги натижалар:

- Нанокристаллар
- Аэрогеллар
- Аэрографитлар

Наноаккумуляторлар —2005 йилда Altair Nanotechnologies (США) компанияси томонидан литий-ион аккумуляторлари электродлари учун нанотехнологик материал яратилганлигини маълум қиласди. $\text{Li}_4\text{Ti}_5\text{O}_{12}$ электродли аккумуляторлар зарядланиш вақти 10—15 минут. Бу аккумуляторлар электромобиллар яратиш учун катта имкониятдир.

2007 йил 15 октябрда Intel компанияси компьютер процессорининг янги прототипини яратганлигини маълум қиласди. Бу процессор 45 нм ўлчамдаги тузилма элементларга эга. Кейинчалик бундай элементлар ўлчами 5 нм гача этиши кўзда тутилмоқда. Бу компания конкуренти бўлган AMD компанияси IBM компанияси билан биргаликда ишлаб чиқилган нанотехнологик жараёнларни анчадан бери қўллаб келмоқда. Бу технологик жараёнларнинг Intel ишланмаларидан фарқи қўшимча SOI изоляция қопламасининг ишлатилишидир. Бу қоплама транзистор тузилмасини қўшимча изоляциялаши сабабли токнинг оқиб чиқиши олди олинади. Бу компанияда 14 нм ўлчамдаги

¹³ R. V. Lapshin (2004). «Feature-oriented scanning methodology for probe microscopy and nanotechnology» (PDF). Nanotechnology(IOP) 15 (9): 1135-1151. DOI:10.1088/0957-4484/15/9/006. ISSN 0957-4484. 1135-1151 p.

транзисторли процессорларнинг ишчи намуналари ҳамда 10 нм ўлчамдаги транзисторли процессорларнинг тажриба нусхалари мавжуд.

Қаттиқ дисклар – 2007 йилда Питер Грюнберг ва Альберт Ферт GMR – эффектни кашф қилишгани учун Нобел мукофотига сазовор бўлишди. Бу эффект маълумотларни қаттиқ дискларда атомлар зичлиги даражасида ёзишга имкон беради.

Сканировчи зонд микроскопи (СЗМ) — юқори ажратиш қобилиятига эга микроскоп бўлиб, зонд игнасининг ўрганилаётган сирт билан ўзаро таъсиралишига асосланган. Одатда ўзаро таъсиралиши деганда кантилевер (зонд) нинг Ван-дер Ваальс кучлари остида сиртга тортилиши ёки ундан узоқлашиши тушунилади. Лекин маҳсус кантилевер (зонд) ишлатилганда сиртнинг электр ва магнит хоссаларини ўрганиш мумкин. СЗМ ток ўтказувчи ва ўтказмайдиган сиртларни (ҳатто суюқлик қатлами бўлган ҳолларда, органик молекулалар –ДНК билан ҳам) ўрганишга ҳам имкон беради. Унинг ажратиш қобилияти атом ўлчами даражасида.

Антенна-осцилятор — 2005 йил 9 февралда Бостон университети лабораториясида 1 мкм ўлчамдаги антенна-осциллятор яратилди. Бу қурилма 5000 миллион атомлардан иборат бўлиб 1,49 гигагерц частотада катта ҳажмдаги информацияни ўзатиш қобилиятига эга.

Плазмонлар —металлдаги эркин электронларнинг коллектив тебраниши. Плазмонларнинг характерли хусусияти плазмон резонансидир. Бу резонанс 20-аср бошларида Ми томонидан башорат қилинган. Плазмон резонансининг тўлқин узунлиги, масалан, 50 нм диаметрли кумуш зарраси учун тўлқин узунлик тахминан 400 нм ни ташкил қиласи. Бу ҳолат нанозарраларни қайд қилишга имкон беради, яъни нурланиш тўлқин узунлиги зарранинг ўлчамига қараганда анча катта.

Робототехника

- Молекуляр роторлар - синтетик наноўлчамли двигателлар, етарли даражадаги энергия берилгандын улар айлантирувчи (буралма) момент ҳосил қилишади.
- Нанороботлар- молекула ўлчамига тенг наноматериаллардан ясалған роботлар, улар ҳаракатлана оладилар, маълумотни қайта ишлайди ва узата олади, дастурларни бажара оладилар. Ўз нусхасини яратады оладиган, яни ўзини ўзи яратады роботларга репликаторлар дейилади.
- Молекуляр пропеллер (винт)лар - винт шаклидаги наноўлчамдаги молекулалар, улар махсус шакллари (микроскопик винт) ҳисобига айланма ҳаракатлана оладилар.
- 2006 йилдан бүён RoboCup лойихаси доирасида (роботлар ўртасида футбол чемпионати) «Nanogram Competition» номинацияси пайдо бўлди. Бу номинацияда ўйин майдони томони 2,5 мм га тенг квадратни ташкил қиласи. Ўйинчининг максимал ўлчами эса 300 мкм билан чегараланганди¹⁴.

Концептуаль қурилмалар

Nokia Morph - Nokia ва Кембридж университети томонидан нанотехнологик материал асосидаги келажакдаги қўл телефони лойихаси ишлаб чиқилган.

Нанотехнологиялар саноати

2004 йилда нанотехнология соҳасига киритилган дунё бўйича инвестициялар 2003 йилдагига қараганда 2 марта ошган ва 10 млрд. долларга етган. Бу маблағнинг 6,6 млрд. доллари хусусий корпорация ва фондларга, 3,3 млрд. доллари давлат ташкилотлари улушини ташкил қиласи. Бу соҳада Япония ва АҚШ давлатлари етакчи бўлиб қолмоқда.

8.5 Бу фанларнинг ривожланишига жамиятнинг муносабати

Нанотехнологиялар соҳасидаги прогресс маълум жамоат резонансига олиб келди. Тадқиқотлар бу салбий муносабатни диний қарашлар билан ва наноматериалларнинг токсик хусусияти пайдо бўлиб қолиши билан

¹⁴ R. V. Lapshin. Encyclopedia of Nanoscience and Nanotechnology / H. S. Nalwa. -USA: American Scientific Publishers, 2011. -Vol. 14. -P. 105-115.- ISBN 1-58883-163-9. 105-115 p.

боглашмоқда. Диний эътиrozларда табиий ҳолда мавжуд бўлмаган модда ва тузилмаларнинг яратилиши назарда тутилади. Айниқса, кенг реклама қилинган ва хусусиятлари ҳамда хавфсизлиги катта гумон остида бўлган коллоид кумуш ҳам катта ташвишланиш туғдирмоқда.

Наноматериалларнинг токсик хусусияти деганда маълум вақтдан кейин уларнинг заарли ва захарли моддаларга айланиб қолиши хавфи тушунилади.

2005 йилдан буён CRN ҳалқаро ишчи гурухи нанотехнология ривожланишининг социал таъсирини ўрганиб келади. 2006 йил октябрь ойида нанотехнологиялар бўйича Халқаро Кенгаш томонидан обзор мақола нашр қилинди. Бу мақолада хавфсизлик юзасидан нанотехнологик тадқиқотлар юзасидан маълумотларни тарқатишни чеклаш тўғрисида сўз боради.

Нанозарраларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги биринчи мақола 2001 йилда нашр қилинди. 2008 йилда Халқаро нанотаксиологик ташкилот (International Alliance for NanoEHS Harmonization) тузилди. Бу ташкилот фаолияти хужайра ва тирик организмларда наноматериалларнинг таксиологик тестини ўтказишни расмийлаштириб боришга йўналтирилган. Гринпис ташкилоти нанотехнологиялар бўйича олиб борилаётган тадқиқотларни таъқиқлашни талаб қилмайди, лекин нанозарралар хавфсизлиги тўғрисида ўз шубҳасини билдирамоқда.

Назорат саволлари:

1. Фан тараққиёининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг?
2. Янги фанларнинг шаклланиши ва уларнинг юзага келишидаги асосларни тушунтиринг?
3. Нанофизиканинг шаклланиши, мақсад ва вазифаларини тушунтиринг?
4. Нанотехнологияларнинг пайдо бўлиши, мақсад ва вазифаларини тушунтиринг?
5. Нанофизика ва нанотехнологиялар эришган ютуқларини тушунтиринг?
6. Бу фанларнинг ривожланишига жамиятнинг муносабати қандай?

Фойдаланган адабиётлар:

1. James E. McClellan III, Harold Dorn. Science and Technology in World History. Second Edition. Johns Hopkins university press, 2006. p.263
2. R. V. Lapshin (2004). «Feature-oriented scanning methodology for probe microscopy and nanotechnology» (PDF). *Nanotechnology*(IOP) **15** (9): 1135-1151. DOI:10.1088/0957-4484/15/9/006. ISSN 0957-4484.
3. R. V. Lapshin. Encyclopedia of Nanoscience and Nanotechnology / H. S. Nalwa. -USA: American Scientific Publishers, 2011. -Vol. 14. -P. 105-115.- ISBN 1-58883-163-9

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

“Физика ва астрономия фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” ўкув модулининг мақсади тингловчиларни шу соҳада жаҳон миқиёсида эришилаётган энг сўнгги ютуқлар билан таништиришдан иборатдир. Шу сабабли бу эришилаётган тараққиёт натижаларини бу модулга ажратилган вақт мобайнида тўла қамраб олиш имконияти йўқ. Шу сабабли модуль бўйича йигилган тарқатма материаллар ҳамда вақтли даврий илмий нашрлар ва интернет материаллари орқали тингловчилар эга бўлган маълумотлар ҳам бу модулни ўзлаштиришда аҳамият касб этади. Амалий машғулотлар давомида ушбу қўшимча маълумотлар ёрдамида назарий мавзулар ҳар томонлама муҳокама ва таҳлилдан ўтиши ушбу модулни самарали ўзлаштириш учун асос бўлади.

1 – амалий машғулот:

Нейтрино физикаси.

Ишдан мақсад: Мавзуни интерфаол усуллар, баҳс мунозаралар орқали ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тингловчиларнинг фикр ва таклифларини тинглаш.

Масаланинг қўйилиши: Нейтрино физикаси мавзусидаги билим ва тасаввурларини ривожлантириш.

Ушбу мавзу бўйича бажариладиган амалий машғулотда тингловчилар томонидан интерфаол усуллар қўлланган ҳолда қўйидаги вазифалар бажарилади:

1. Нейтринонинг кашф қилиниши тарихи, унинг кашф қилинишига олиб келган омиллар таҳлил қилинади.
2. Нейтрино табиатига бўлган турли қарашлар муҳокама қилинади.
3. Нейтрино осциляцияси муаммоси таҳлил қилинади.
4. Жаҳон илмий марказларида нейтрино табиатини ўрганиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар чуқур таҳлил қилиш орқали муҳокама қилинади.

5. Нейтринонинг Оламнинг “яширин” массасига бўлган муносабати ўрганилади.

Ушбу вазифаларни интерфаол усуллар ёрдамида ҳал қилиш орқали тингловчилар

- нейтрино физикаси муаммолари;
- эришилган ютуқлар;
- жаҳон миқиёсида олиб борилаётган тадқиқотлар;
- уларнинг аҳамияти;
- нейтрино осциляцияси;
- истиқболдаги тадқиқотлар тўғрисида мустақил ва умумжамоа таҳлил материалларини тайёрлаш, мухокама қилиш ва мустаҳкамлашга эришадилар.

Назорат саволлари:

1. Нейтринонинг кашф қилинишини тушунтиринг?
2. Нейтрино неча авлодга эга?
3. Нейтрино осциляциясини тушунтиринг?
4. Қуёш нейтриноси муаммосини тушунтиринг?
5. Нейтринонинг Олам тузилишидаги ўрни қандай?
6. Истиқболдаги тадқиқотларни тушунтиринг?

Фойдаланган адабиётлар:

1. Astronomers Accurately Measure the Mass of Neutrinos for the First Time. *scitechdaily.com*.

2. Foley, James A. Mass of Neutrinos Accurately Calculated for First Time, Physicists Report. *natureworldnews.com*

3. «Evidence for Massive Neutrinos from Cosmic Microwave Background and Lensing Observations». *Physical Review Letters* (2014) **112** (5): 051303. arXiv:1308.5870v2. DOI:10.1103/PhysRevLett.112.051303. PMID 24580586. Bibcode: 2014PhRvL.112e1303B.

4. Shaun A. Thomas, Filipe B. Abdalla, and Ofer Lahav Upper Bound of 0.28 eV on Neutrino Masses from the Largest Photometric Redshift Survey (англ.) // *Phys. Rev. Lett.*. — 2010. — Vol. 105, fasc. 3. — P. 031301.

5. Measurement of the neutrino velocity with the OPERA detector in the CNGS beam, 22 Sep 2011

6. OPERA experiment reports anomaly in flight time of neutrinos from CERN to Gran Sasso // CERN Press Release, 23 February 2012, Update 8 June 2012 (англ.)

7. *ICARUS Collaboration et al.* Measurement of the neutrino velocity with the ICARUS detector at the CNGS beam // Physics Letters B. — 2012. — Vol. 713 (18 июля). — Р. 17–22. — arXiv:1203.3433. — DOI:10.1016/j.physletb.2012.05.033.

8. <http://neutrino.physics/wisc/> edu/databay/2012-03-08-oscPRL/DYB_EWNP_v5.pdf

2-амалий машғулот:

Замонавий тезлаткичлар. Катта адрон коллайдери.

Ишдан мақсад: Мавзуни интерфаол усуллар, баҳс мунозаралар орқали ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тингловчиларнинг фикр ва таклифларини тинглаш.

Масаланинг қўйилиши: Замонавий тезлаткичлар. Катта адрон коллайдери мавзусидаги билим ва тасаввурларини ривожлантириш.

Мавзу бўйича бажариладиган амалий машғулотда тингловчилар турли интерфаол усуллар кўллаган ҳолда қўйидаги вазифаларни бажарадилар:

1. Тезлатгичлар мақсад-вазифалари, турлари, ишлаш принциплари мухокама ва таҳлил қилинади.
2. Тезлатгичларнинг фан-техника тараққиётидаги ўрни таҳлил қилинади.
3. Катта адрон коллайдери мақсад-вазифалари чуқур таҳлил қилинади.
4. Катта адрон коллайдерининг тузулиши, қисмлари, ишлаш принципи таҳлил қилинади.
5. Катта адрон коллайдерида олинган натижалар, уларнинг аҳамияти таҳлил қилинади.

6. Катта адрон коллайдери фаолиятининг (сарфланган маблағ, электр таъминоти,...каби) ижтимоий томонлари таҳлил қилинади.

7. Коллайдер фаолиятига жамоатчилик муносабати тўлароқ ўрганилади.

8. Катта адрон коллайдери истиқбол режалари батафсил ўрганилади.

Ушбу вазифаларни интерфаол усуслар ёрдамида ҳал қилиш орқали тингловчилар

- тезлаткичлар, уларнинг вазифалари, турларини таҳлил қилишади;

- Катта адрон коллайдери тузилиши ва ишлаш принципини таҳлил қилишади;

- мақсад ва вазифалари ҳамда ўзига хослик томонлари чукур ўрганилади;

- олинган натижалар ва уларнинг муҳимлиги таҳлил қилинади;

- унда бажарилиши режалаштирилаётган истиқбол экспериментларни изоҳлашади;

-чукур таҳлиллар асосида мавзуни мустаҳкамлашади ва хулосалар чиқаришади.

Назорат саволлари:

1. Тезлаткичлар ва уларнинг вазифасини тушунтиринг?

2. Катта адрон коллайдери мақсад-вазифаларини тушунтиринг?

3. Катта адрон коллайдери тузулиши ва ишлаш принципини тушунтиринг?

4. Катта адрон коллайдери лойиҳаси ва қурилиш тарихини изоҳланг?

5. Катта адрон коллайдери фаолиятига жамоатчиликнинг муносабати қандай?

6. Катта адрон коллайдерида эришилган натижаларни тушунтиринг?

7. Истиқболдаги тадқиқот ишларини тушунтиринг?

8. Катта адрон коллайдери истиқболини тушунтиринг?

Фойдаланган адабиётлар:

1. A luminous future for the LHC, CERN Courier, Feb 23, 2015.

2.The Future Circular Collider study, CERN Courier, Mar 28, 2014.

3. *LHCb Collaboration*. First observation of $B_s^0 \rightarrow J/\psi f_0(980)$ decays // Physics Letters B. — 2011. — Т. 698, № 2. — С. 115—122. — DOI:10.1016/j.physletb.2011.03.006. — arXiv:1102.0206.

4. *LHCb Collaboration*. First observation of $B_s \rightarrow D_{s2}^{*-} X \mu \nu$ decays // Physics Letters B. — 2011. — Т. 698, № 1. — С. 14-20. —

З-амалий машғулот

Нанофизика ва нанотехнологиялар.

Ишдан мақсад: Мавзуни интерфаол усуллар, баҳс мунозаралар орқали ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тингловчиларнинг фикр ва таклифларини тинглаш.

Масаланинг қўйилиши: Нанофизика ва нанотехнологиялар мавзусидаги билим ва тасаввурларини ривожлантириш

Ушбу мавзу бўйича бажариладиган амалий машғулотда тингловчилар турли интерфаол усуллар қўллаган ҳолда қўйидаги вазифаларни бажарадилар:

1. Нанофизика фани шаклланиши тарихи, мақсад-вазифаларини муҳокама ва таҳлил қилинади.

2. Нанофизика тадқиқот усуллари, олинган натижалар муҳокама ва таҳлил қилинади.

3. Нанотехнологияларнинг шаклланиш тарихи, мақсад-вазифалари таҳлил қилинади.

4. Нанотехнологиялар соҳасида эршилган ютуқлар, уларнинг фантехника ривожидаги ўрни муҳокама ва таҳлил қилинади.

5. Нанотехнологияларни назорат қилиш органлари, уларнинг мақсад-вазифалари ўрганилади.

6. Нанотехнологияларга жамият муносабати таҳлил қилинади.

Ушбу вазифаларни интерфаол усуллар ёрдамида ҳал қилиш орқали тингловчилар нанофизика ва нанотехнологияларнинг

- шаклланиш тарихи;

- уларнинг юзага келишига олиб келган асослар;
-мақсад-вазифалари;
- бу соҳалардаги эришилган ютуқлар;
-бу соҳалар фаолиятига жамиятнинг муносабати;
- истиқболдаги режалар каби масалаларни чуқур таҳлил қилиш асосида мавзуни мустаҳкамлашади ва хулосалар чиқаришади.

Назорат саволлари:

1. Фан тараққиёининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.
2. Янги фанларнинг шаклланиши ва уларнинг юзага келишидаги асосларни тушунтиринг.
3. Нанофизиканинг шаклланиши, мақсад ва вазифаларини тушунтиринг.
4. Нанотехнологияларнинг пайдо бўлиши, мақсад ва вазифаларини тушунтиринг.
5. Нанофизика ва нанотехнологиялар эришган ютуқларини тушунтиринг.
6. Бу фанларнинг ривожланишига жамиятнинг муносабати қандай?

Фойдаланган адабиётлар:

1. James E. McClellan III, Harold Dorn. Science and Technology in World History. Second Edition. Johns Hopkins university press, 2006. p.263
2. R. V. Lapshin (2004). «Feature-oriented scanning methodology for probe microscopy and nanotechnology» (PDF). *Nanotechnology*(IOP) **15** (9): 1135-1151. DOI:10.1088/0957-4484/15/9/006. ISSN 0957-4484.
3. R. V. Lapshin. Encyclopedia of Nanoscience and Nanotechnology / H. S. Nalwa. -USA: American Scientific Publishers, 2011. -Vol. 14. -P. 105-115.- ISBN 1-58883-163-9

4-амалий машғулот

Тезлаткичларсиз астрозарралар физикаси

Ишдан мақсад: Мавзуни интерфаол усуллар, баҳс мунозаралар орқали ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тингловчиларнинг фикр ва таклифларини тинглаш.

Масаланинг қўйилиши: Тезлаткичларсиз астрозарралар физикаси мавзусидаги билим ва тасаввурларини ривожлантириш.

Ушбу мавзу бўйича бажариладиган амалий машғулотда тингловчилар турли интерфаол усуллар қўллаган ҳолда қуидаги вазифаларни бажарадилар:

1. Тезлаткичларсиз астрозарралар физикаси предмети, соҳалари ва мақсад-вазифалари муҳокама ва таҳлил қилинади.

2. Тезлаткичларсиз астрозарралар физикаси қамраб олган соҳалар - Коинот нурлари физикаси, Қуёш нейтриноси физикаси, қора материя, нейтрино хоссалари, нуклон стабиллиги, ўта янги юлдузлар, гамма нурлар ва нейтрино астрономияси, астрофизика, космология ва зарралар физикаси соҳаларни боғлаб турган умумий хусусият муҳокама қилинади.

3. 1-мавзудаги замонавий тадқиқот йўналишлари ва тезлаткичларсиз астрозарралар физикаси соҳаларини қиёсий солиштириш амалга оширилади.

4. Коинотнинг ўзи энг қудратли тезлаткич эканлиги таҳлил қилинади.

5. Тезлаткичларсиз астрозарралар физикаси истиқболи, истиқболдаги режалар ўрганилади.

Ушбу вазифаларни интерфаол усуллар ёрдамида ҳал қилиш орқали тингловчилар

- тезлаткичларсиз астрозарралар физикасининг барча бўлимларини уларнинг мақсад-вазифалари нуқтаи-назардан таҳлил қилиб чиқишиади;
- ҳар бўлимнинг мақсад ва вазифаларини асослашади;
- бу изланишларнинг аҳамиятини баҳолашади;
- чуқур таҳлиллар асосида мавзуни мустаҳкамлашади ва хulosалар чиқаришиади.

Тезлаткичларсиз астрозарралар физикаси ўрганадиган соҳалар

Тезлаткичларсиз астрозарралар физикаси катта соҳани ўз ичига олади. Бу соҳага Коинот нурлари физикаси, Қуёш нейтриноси физикаси, қора материя, нейтрино хоссалари, нуклон стабиллиги, ўта янги юлдузлар, гамма нурлар ва нейтрино астрономияси, астрофизика, космология ва зарралар физикаси каби бўлимлар киради. Гран Сассо ер ости лабораторияси (Gran Sasso Underground Laboratory, Рим шаҳридан 100 км жанубда жойлашган) да Қуёш нейтриносини ўрганиш бўйича 2 та эксперимент ўтказилмоқда: булар Борексино (Borexino) ва ИКАРУС (ICARUS) экспериментлари дидир. Борексино МэВ энергиядан паст энергияларда Қуёш нейтриносини ўрганадиган сцинтилляцион детектордир. Қайд қилиш реакцияси нейтрино-электрон сочилиши бўлиб унинг қайд қилиш энергияси 250 кэВ дан бошланади. Борексино детекторининг асосий мақсади реал вақт режимида 862 кэВ энергияли бериллий Қуёш нейтриноси оқимини ўлчашдан иборат. Детектор 2200 фотокучайтиргичлар билан ўралган диаметри 8.5 метрга тенг нейлон сферик идишга солинган 300 тонна суюқ сцинтиллятордан иборат. Борексинонинг прототипи – Сановчи Тест Машинаси (Counting Test Facility (CTF)) бўлиб энг паст ўлчашларни ҳам қайд қилишни намойиш қилиш мақсадида қурилган эди. Бу детекторда Қуёш нейтриносидан ташқари ўта янги юлдузлар ва ердан келаётган (геонейтриналар) нейтриналар ҳам ўрганилади. Бу детектор Гран Сассо лабораториясининг С залида жойлаштирилган. ИКАРУС эса суюқ аргонли вақт-проекцион камера (time projection chamber (TPC)) бўлиб ионлаштирувчи зарраларнинг 3 ўлчовли тасвирини ва ажralиб чиқадиган энергиясини аниқлашга имкон беради. Детектор ҳар бир воқеанинг 3 ўлчовли тасвирини тиклашга имкон беради ва dE/dx энергия йўқотишни катта аниқликда ифодалайди. Бу детектор $p \rightarrow \pi^+ + v$ каби нуклон парчаланишларини ҳам қайд қилишга мўлжалланган. Тезлатгичларсиз астрозарралар физикасининг аҳамияти шундан иборатки, унда зарраларнинг табиий ҳолдаги хусусиятлари ўрганилади, Тезлатгичларда эса сунъий

шароитдаги хусусиятлар ўрганилади. Лекин бу хусусиятлар табиий жараёнлардагига қараланда аниқ бўлмайди.

Соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар ва уларнинг аҳамияти

Космологик ва Галактик қора материянинг табиатини тушуниш муаммоси бизнинг зарралар физикасини ва бизни ўраб турган Коинотни тушунишимиз учун катта аҳамият касб этади. Қора материя муаммосининг оддий ечими кучсиз ўзаро таъсиrlашувчи массив зарралар (вимплар), Коинот пайдо бўлишининг дастлабки босқичларида пайдо бўлган, ва энг енгил суперсимметрик зарра-нейтралино мавжудлигини кўрсатади. Бу зарралар мавжудлиги Катта адрон коллайдери (КАК) тажрибаларида кузатилиши мумкин. Лекин супер-симметрик зарраларнинг тезлатгичларда кузатилиши уларнинг қора материяга тегишлилигини билдирамайди. Супер-симметрик зарраларнинг Самон йўли галоси асосий компонентаси сифатида мавжудлиги турли йўллар билан қайд қилиниши мумкин. Бу тадқиқотлар натижасида супер-симметрик зарралар – нейтралинолар мавжудлигини кўрсатувчи сигналлар DAMA ва CDMS гурухлари томонидан эълон қилинган.

Сўнгги бир неча йил мобайнида вимпларни қидириш бўйича бажарилган ишлар катта натижа бермади. Лекин кейинги 10 йил мобайнида уларни кузатиш мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Қора материяни тўғридан тўғри кузатиш ишлари Қора материяни билвосита қидириш ишлари дастурининг бир қисми сифатида олиб борилмоқда. Бунда гамма ва нейтрино телескоплари, учар шарлар ва Ернинг сунъий йўлдошларига ўрнатилган детекторлар кенг қўлланилмоқда. Шу мақсадда яратилган AMS детектори энг сўнгги класс детектори ҳисобланади ва у Ҳалқаро космик станцияда 3 йил мобайнида тадқиқот олиб боришга мўлжалланган.

Назарий йўл билан мавжудлиги юқори даражада асосланган совук қора материяга номзод акциондир. Галактик акционларни излаш АҚШ ва Японияда олиб борилмоқда. Европада эса Қуёш акционларини излаш ЦЕРН даги CAST экспериментида олиб борилмоқда. Бу экспериментда акцион параметрлари

кенг танлаб олинган ва натижа иссиқ қора материяни ҳам қамраб олади. Шу сабабли CAST эксперименти АҚШ ва Японияда олиб борилаётган экспериментларни түлдирувчи эксперимент ҳисобланади¹⁵.

Қора энергия

Бугунги кунда қора энергия табиатини ўрганиш физика ва космологиянинг энг муҳим муаммоларидан биридир. Қора энергия ўзининг космос эволюциясига таъсири орқали тадқиқ қилиниши мумкин. Бу йўналишдаги тадқиқотлар анъанавий астрономик техникалар ёрдамида олиб борилади. Лекин зарралар табиатини ўрганувчи физиклар, ҳам назариётчилар ва ҳам экспериментаторлар бундай лойиҳалар доирасидаги тадқиқот ишларига қабул қилинадилар. Ҳозирда АҚШ да физикларни катта DE лойиҳасига кирган SNAP ва LSST экспериментларига жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Шу маънода Европадаги астрозарралар физикаси жамиятининг ҳам фаолияти фаоллашган¹⁶.

Зарра хусусиятлари Нейтрино массасини тўғридан тўғри ўлчаш

Бета-парчаланиш спектрини охирги ҳолатдаги зарралар ҳолатида аниқлаш кинематик жиҳатдан нейтрино массасини аниқлашга имкон беради. Шу мақсадда ҳозирда KATRIN бетта-спектрометрининг сезгирилигини бир тартибга ошириш, яъни 0.2 eV/c^2 даражага эришиш устида иш олиб борилмоқда.

Болометрлар сезгирилиги ҳам улар эришиши мумкин бўлган технологик чегарага ҳали етиб боргани йўқ ва вақти келиб KATRIN бетта-спектрометри сезгирилигидан ҳам яхши даражага эришиши мумкин. Уларнинг имкониятини ошириш ишлари ҳозирда кенг даражада олиб борилмоқда¹⁷.

Иккиламчи бетта парчаланиш орқали нейтринолар массаси ва табиатини аниқлаш

¹⁵ A.A.Aguilar-Arevalo et al. (MiniBooNE collaboration) Unexplained Excess of Electron-Like Events From a 1-GeV Neutrino Beam (англ.) // Phys.Rev.Lett.. — 2009. — Vol. 102. — P. 101802. — DOI:10.1103/PhysRevLett.102.101802.

¹⁶ A.A.Aguilar-Arevalo et al. (MiniBooNE collaboration) Event Excess in the MiniBooNE Search for Oscillations (англ.) // Phys.Rev.Lett.. — 2010. — Vol. 105. — P. 181801. — DOI:10.1103/PhysRevLett.105.181801.

¹⁷ A luminous future for the LHC, CERN Courier, Feb 23, 2015.p. 46.

Зарядланган лептонлар ва кварклар уларнинг электр заряди натижасида Дирак зарралари хисобланадилар. Зарядланган фермионлар ва уларнинг антифермионлари бир хил массага эга бўлишлари зарур. Бундан келиб чиқиб зарядланган фундаментал фермионлар тўрт компонентали Дирак тенгламасини қаноатлантириши керак.

Нейтринолар нейтрал ҳисобланади ва лептон сони сақланиши аниқ бажарилмаслиги мумкин, уларнинг массаси хусусий ҳолатлари зарралар ва антизарралар суперпозициясидан иборат бўлиши мумкин. Биз кузатаётган нейтриноларнинг Дирак нейтриноси ва антинейтриноси эмаслигига бирор устун сабаб йўқ, лекин битта зарранинг иккита спираллик ҳолати мавжуд ва бундай нейтрино Майорана нейтриноси деб номланади. Майорана нейтринолари уларнинг антизарралари билан мос тушади. Бундай ҳолат мавжудлиги кўп йиллар олдин Майорана томонидан таклиф қилинган.

Енгил нейтринонинг дубликати оғир нейтринолар бўлиши мумкин. Элементар зарраларнинг Стандарт моделида кварклар ва лептонлар массага эга бўлишлари учун хизмат қиласиган механизм мавжуд, унга қўра фермионларнинг битта зарралар оиласи массалари катталик жихатдан бир тартибда бўлиши мумкин, масалан, кварклар ва лептонлар массалари $Mq \approx Ml = Mq,l$. Стандарт моделнинг айрим кенгайтирилган вариантларида енгил нейтринолар Mv ва оғир нейтринолар MN массалари Дирак массаси билан қуидаги

$$MvMN \approx M2q,l. \quad (10.30)$$

муносабатда бўлади. Бу муносабатнинг интерпретацияси қуидагича: Нейтринолар дастлаб зарядланган фермионлар тартибидаги Дирак Mq,l массасига эга бўлишган, бу нейтрино ва антинейтринолар массаси ўйғонган бўлган. Лептон сони аниқ сақланмаслиги сабабли, зарралар ва антизарралар бир – бири билан аралashiши мумкин, ва дастлабки Коинотнинг фаза ўтишларидан бирида бу массадаги ўйғонганлик олиб ташланиши мумкин. Бунда енгил нейтрино массаси пастга, оғириники юқорига силжиган бўлади.

Майорано нейтриноси ҳосил бўлишининг бу сценарияси назариётчиларни кўп сабабдан ўзига жалб қиласди. У зарядланган фермионлар массасига қараганда нейтринолар массаси нега бир неча тартиб кичиклигини, лептон сони сақланмаслигини, оғир Майорано нейтринолари парчаланишида СР жуфтликнинг бузилиши мумкинлигини ва дастлабки Коинот ривожланишида материя –антиматерия асимметриясини тушунтиришга имкон беради. Лекин ҳозирда нейтриносиз иккиласмчи бета парчаланиш нейтрино табиатини аниқлашга ёрдам берадиган ягона эксперимент бўлиб қолмоқда¹⁸.

Нейтриносиз иккиласмчи бетта парчаланишнинг аниқ сигнални нейтринонинг Майорана типидаги нейтрино, яъни ҳақиқий нейтрал зарра, эканлигини исботлайди ва унинг массаси масштабини аниқлаштиради. Ҳозирда нейтринонинг 3 та масса кенглиги мавжуд. Ҳозирда мавжуд CUORICINO ва NEMO-3 экспериментларида нейтрино массаси ≥ 500 МэВ оралиқда изланмоқда. Бу тажриба 1-кенгликка тегишли.

Яқин 5 йил ичида ишга тушуширилиши режалаштирилаётган Европа детекторлари - GERDA, CUORE, Super-NEMO ва COBRA нинг масса кенглиги 50-100 МэВ ни ташкил қиласди. Бу детекторлар билан Европа тадқиқот марказлари нейтрино массасини аниқлаш соҳасида олдинги ўринларни эгаллашади ва натижага яқин туришибди.

Янги авлод детекторлари, 1 тонна фаол массага, яхши ажратиш қобилиятига ва паст фонга эга янги авлод детекторлари масса кенглигини 20-50 МэВ га етказиши мумкин. Ва ниҳоят турли ядро изотоплари ҳамда турли экспериментал техника зарур эфект орқали нейтрино массасини аниқлашга имкон бериши мумкин. Кейинчалик 20 МэВ дан паст кенгликка эга детекторларни яратиш устида ҳам ишланмоқда. Кейинги ўн йил мобайнида бунга эришиш кутилмоқда¹⁹.

Нейтрино араласиши параметрларини тадқиқ қилиш

¹⁸ B.Povh, K.Rith, Ch. Shcolz, F. Zetsche. Particles and Nuclei. An introduction to the physical concepts. 2008. Springer, Berlin-Heidelberg. P. 144

¹⁹ The Future Circular Collider study, CERN Courier, Mar 28, 2014.

Нейтрино масса матрицаси, яъни турли авлод нейтриноларининг аралashiшини баён қилувчи матрица, структураси зарралар физикаси ва космология учун катта аҳамият касб этади. Қуёш, ўта янги юлдузлар ва бошқа астрофизик объектлардан келаётган нейтринолар билан ўтказилган тажрибалар уларнинг айнан қайси манбалардан келаётганини аниқлашга имкон бермайди. Лекин нейтрино табиати ва нейтрино аралashiш параметри тўғрисида қимматли маълумотлар олиш мумкин бўлади. Шу сабабли аралashiш параметрини реактор ва тезлатгич нейтриноларини ўрганиш орқали топиш ҳам аҳамият касб этади²⁰.

Протон парчаланишини кузатиш

Протон парчаланишини қайд қилиш зарралар физикаси ва космологиянинг энг муҳим кашфиётларидан бири бўлар эди. Протоннинг стабил эмаслиги Стандарт модельнинг кенгайтирилган қўринишларидан келиб чиқади. Эксперимент аниқлигини бир тартиб ошириш бу ҳодисанинг содир бўлиш ёки бўлмаслигини аниқлашга имкон берар эди.

Келажакда 10^5 - 10^6 ҳажмдаги протонли суюқлики детекторлар яратиш бу масалани ҳал қилишга ва астрофизик табиатга эга паст энергияли нейтриноларни қайд қилишга имкон берган бўлар эди. Шу мақсадда MEMPHYS –сув-Черенков, LENA – суюқ сцинтилляцион ва GLACIER – суюқ аргонли детекторлар такомиллаштирилиши қўзда тутилган²¹.

Қуёш, ўта янги юлдуз ва Ердан келаётган паст энергияли нейтриноларни ўрганиш

Паст энергияли нейтринолар турли табиий манбалар томонидан ҳосил қилинади. Булар - Қуёш ядрои, ўта янги юлдузлар портлаши ва Ернинг ичидағи радиоактив моддалар бетта - парчаланишидан ҳосил бўлган нейтринолардир. Уларни ўрганиш улар ҳосил бўлган манбалар динамикасини ўрганишга имкон беради. Иккинчи томондан сунъий манбалардан олинган

²⁰ LHCb Collaboration. First observation of $B^0_s \rightarrow J/\psi f_0(980)$ decays // Physics Letters B. — 2011. — Т. 698, № 2. — С. 115—122. — DOI:10.1016/j.physletb.2011.03.006. — arXiv:1102.0206.


²¹ LHCb Collaboration. First observation of $B^0_s \rightarrow J/\psi f_0(980)$ decays // Physics Letters B. — 2011. — Т. 698, № 2. — С. 115—122. — DOI:10.1016/j.physletb.2011.03.006. — arXiv:1102.0206.

натижаларни солишириш орқали нейтрино табиатини аниқлашга имкон беради. GALLEX ва GNO экспериментлари нейтрино осцилляциясини ўрганишда катта роль ўйнайди. Шу билан бирга паст энергияли нейтринолар табиати ҳам шу экспериментларда ўрганилади. Нейтрино табиати LVD (Гран Сакко, Италия), IceCube/AMANDA (Жанубий қутб), Super-Kamiokande (Япония) ва SNO (Канада) экспериментларида ҳам ўрганилмоқда²².

Нотермал Коинот Юқори энергияли коинот нурлари

Юқори энергияли коинот нурлари кенг атмосфера жалалари, (KASCADE-Grande, Tunka ва IceTop экспериментлари), шарлар ёрдамида атмосферадан ташқарида (TRACER ва CREAM экспериментлари) ва Ернинг сунъий йўлдошларига ўрнатилган (Pamela and AMS экспериментлари) детекторлар ёрдамида ўрганиб келинган.

Хозирда бу соҳадаги тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилмоқда²³.



Коинот нурларини қайд қилиш механизми Юқори энергияли нейтринолар

Юқори энергияли нейтриноларни ўрганиш ишлари энг йирик нейтрино телескопи NT200 (Байкал кўлида) ва AMANDA телескоплари (Жанубий кутбда жойлаштирилган) ёрдамида олиб борилади. Бундан ташқари ANTARES, NEMO ва NESTOR лойиҳалари доирасида Ўрта ер денгизи сув остида катта сув ости телескопи қуриш режалаштирилган.

²² LHCb Collaboration. First observation of $B_s \rightarrow D_{s2}^{*+} X \mu^- \nu$ decays // Physics Letters B. — 2011. — Т. 698, № 1. — С. 14-20.

²³ LHCb Collaboration. First observation of $B_s \rightarrow D_{s2}^{*+} X \mu^- \nu$ decays // Physics Letters B. — 2011. — Т. 698, № 1. — С. 14-20.

Юқори энергияли гамма нур астрономияси

Юқори энергияли гамма нурларни ўрганишда Ерда ўрнатилган гамма нур абсерваториялари етакчи ўринни эгаллады. Кузатувлар, асосан, H.E.S.S. ва MAGIC экспериментлари, юқори энергияли гамма нур манбалари күплигини кўрсатди. Бу манбаларнинг айримлари гамма нурлар диапазонида энг кўп энергия чиқариб, кўринадиган нур ва бошқа тўлқин узунликлар диапазонида кам энергия чиқариши маълум бўлди. Лекин бу йўналишдаги ишларни янада яхшилаш учун юқори сезгирикка эга янги авлод детекторлари зарурлиги талаб қилинмоқда.

Галактик ва галактикандан ташқаридаги юқори энергияли гамма нур манбаларини ўрганиш учун янги авлод детекторларини яратиш (масалан, CTA – Cherenkov Telescope Array телескопи) ва бундан ташқари уларнинг сезгирилиги бир тартиб юқори бўлиши ва энергия оралиғи катта бўлиши талаб қилинади. Шундагина олинган натижалар ишончлилиги ва аниқлиги жихатдан замон талабига жавоб беради. Бу мақсадда Черенков нурланишларини қайд қилувчи телескоплар тизимини яратиш мақсадга мувофиқ деб қаралмоқда.

Бундай телескоплар тизимини шимолий ва жанубий ярим шарларда ўрнатиш ва уларнинг тизимли ишлашини йўлга қўйиш юқори энергияли гамма нурлар табиатини, улар манбаларини, бундай манбалар харитасини тузишни системали амалга оширишга имкон берган бўлар эди.




**Н.Е.С.С. телескопи тизими
Гравитация**

Гравитацион түлқинлар катта қайд қилиниш эхтимоллигига эга бўлишига қарамасдан яқин кунларгача уларни қайд қилиш амалга ошмади. Бу мақсаддаги уринишлар кузатувларни давомли амалга ошириш билан бир қаторда мавжуд детекторлар сезгиригини оширишга қаратилиши керак.

Европа жамияти бу соҳадаги ишларни интеграциялаш ва кучларни катта лойиҳалар доирасида бирлаштириш йўлида фаолият олиб бормоқда. Мисол тариқасида GEO ва Virgo экспериментлари GEO-HF, Virgo+ ва Advanced Virgo экспериментлари сифатида давом эттирилмоқда²⁴.



Virgo интерферометрининг юқоридан кўриниши



Гравитацион тўлкин детекторларининг ҳозирги ва келажакда кутилаётган сезгириклари. Узлуксиз чизиқлар мавжуд детекторлар сезгирилиги. Нуқтали чизиқлар янги детекторлар сезгирилиги.

²⁴ LHCb Collaboration. First observation of $B_s \rightarrow D_{s2}^{*-} \pi^+ \mu^- \nu$ decays // Physics Letters B. – 2011. – Т. 698, № 1. – С. 14-20.

Тадқиқотларнинг самараси ва дунёқарааш шаклланишидаги ўрни

Тезлатгичларсиз астрозарралар физикаси инсоният, асосан, ёшлар дунёқараши кенгайишида катта роль ўйнайди. Бу соҳа кенг ва турли муаммоларни ўзида қамраб олиши билан ажралиб туради. Бу эса соҳага қизиққан ёшлар фикрлаш доирасини кенгайтириши билан бирга уларни кенг ва қизиқарли соҳага олиб кириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Назорат саволлари:

1. Тезлаткичларсиз астрозарралар физикаси ўрганадиган соҳаларни сананг ва уларга изоҳ беринг?
2. Тезлаткичларсиз астрозарралар физикасининг аҳамияти нимада?
3. Соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар ва уларнинг аҳамиятини тушунтириинг?
4. Олиб борилаётган тадқиқотларнинг самараси ва дунёқарааш шаклланишидаги ўринини тушунтириинг?

Фойдаланган адабиётлар:

1. MiniBooNE results suggest antineutrinos act differently // FremiLab Today, 10.06.2010
2. A.A.Aguilar-Arevalo *et al.* (*MiniBooNE collaboration*) Unexplained Excess of Electron-Like Events From a 1-GeV Neutrino Beam (англ.) // Phys.Rev.Lett.-2009. — Vol. 102.-P. 101802. -DOI: 10.1103 PhysRevLett. 102.101802.
3. A.A.Aguilar-Arevalo *et al.* (*MiniBooNE collaboration*) Event Excess in the MiniBooNE Search for $\bar{\nu}_\mu \rightarrow \bar{\nu}_e$ Oscillations (англ.) // Phys.Rev.Lett.. — 2010. —Vol. 105. — P. 181801. — DOI:10.1103/PhysRevLett.105.181801.
4. A luminous future for the LHC, CERN Courier, Feb 23, 2015.
5. The Future Circular Collider study, CERN Courier, Mar 28, 2014.

5-амалий машғулот: Катта портлаш назарияси.

Ишдан мақсад: Мавзуни интерфаол усуллар, баҳс мунозаралар орқали ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тингловчиларнинг фикр ва таклифларини тинглаш.

Масаланинг қўйилиши: Катта портлаш назарияси мавзусидаги билим ва тасаввурларини ривожлантириш.

Мавзу бўйича бажариладиган амалий машғулотда тингловчилар турли интерфаол усуллар кўллаган ҳолда қўйидаги вазифаларни бажарадилар:

1. Оlamning пайдо бўлиши тўғрисидаги қарашлар тарихи муҳокама ва таҳлил қилинади.

2. Катта портлаш назарияси, унинг юзага келишига сабаб бўлган омиллар таҳлил қилинади.

3. Катта портлаш босқичлари муҳокама қилинади.

4. Оlam эволюцияси ва унда зарраларнинг ўрни таҳлил қилинади.

Ушбу вазифаларни интерфаол усуллар ёрдамида ҳал қилиш орқали тингловчилар

- Оlamning пайдо бўлиши тўғрисидаги қарашларни муҳокама ва таҳлил қилишади;

- Катта портлаш назарияси, унинг юзага келишига сабаб бўлган омилларни таҳлил қилишади;

- Катта портлаш босқичларини муҳокама қилишади;

-чуқур таҳлиллар асосида мавзуни мустаҳкамлашади ва хulosалар чиқаришади.

Оlam тўғрисидаги тасаввурлар

Оlam тўғрисидаги тасаввурлар қадимги грек файласуфлари, Ўрта Осиё мутафаккирлари асарларида ёритилиб, йиллар ўтиши билан авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб келаётганганлиги бизга маълум. Бу жараённи кузатадиган бўлсак ривожланиш жараёнида Геоцентрик, кейин эса Гелиоцентрик назарияларни эслашимиз табиий.

Оlam тўғрисидаги назариялар

Бу назариялар албатта кўп йиллик астрономик кузатувлар асосида юзага келгани маълум ва шу сабабли ҳам улар маълум маънода ҳаётий бўлган. Фақат йиллар ўтиши билан бу назариялар вақт синовидан ўтиб мукаммаллашиб борганлиги қўринади.

Космология ва зарралар физикаси ўртасидаги бир неча ўн йил давомидаги ҳамкорлик иккала соҳа учун ҳам ҳайратлинарли натижаларга олиб келди. Шу ўринда Коинот эволюцияси тўғрисидаги ҳозирги мавжуд ғояларни изоҳлаймиз ва бу эволюция замонавий зарралар физикаси манзарасига қандай натижалар берганлигини кўрсатамиз. Бу Стандард космологик модел, яъни Катта портлаш назариясига кўра, Коинот чексиз иссиқ ва зич ҳолатдан бошланган. Бу олов шар портлаш натижасида кенгая борган ва унинг температураси ва зичлиги бизнинг кунларимизгача камайиб борган. Бу дастлабки элементар зарраларнинг иссиқ плазмаси кенгайиши бугунги барча маълум материянинг макроскопик ва микроскопик шакллари – юлдузлар ва галактикаларнинг; лептонлар, кварклар, нуклонлар ва ядроларнинг келиб чиқишига олиб келган. Бу модел Коинотнинг ривожланиш вақти бўйича асосланган ва иккита муҳим эксперимент кузатувлари - Коинотнинг давомли кенгайиши ва космик фон нурланиши - реликт нурланиши билан тасдиқланган.

Коинотнинг кенгайиши. Коинот массасининг энг катта қисми галактикаларда тўпланган. Бу спиралсимон концентрацияланган юлдузлар системаси гравитация кучлари остида ушлаб турилади ва уларнинг ўлчамига боғлиқ ҳолда 10^7 дан 10^{13} Қуёш массасига teng массаларга эга бўлади. Коинотда 10^{23} та галактика мавжуд деб тахмин қилинади, бу бир молдаги молекулалар сонига teng.

Катта телескоплар ёрдамида Ердан жуда узоқ бўлган галактикаларгача бўлган масофаларни ва уларнинг тезликларини ўлчаш мумкин. Галактиканинг Ерга нисбатан тезлиги лаборатория ўлчашларидан яхши маълум бўлган атом спектрал чизиқларининг Допплер силжиши орқали аниqlаниши мумкин.


Кузатилаётган чизиқларнинг қизил томонга, узун тўлқин узунлик соҳага силжишини кузатиш мумкин. Бу галактикаларнинг биздан узоқлашаётган ҳаракатига мос келади. Бу кузатув осмон сферасида кузатилаётган қайси йўналишда ҳаракатланаётганига боғлиқ эмас²⁵.

Катта портлаш назариясининг замонавий талқини

Замонавий тасаввурларга кўра ҳозирда биз кузатаётган Коинот бундан $3,73 \pm 0,12$ млрд йил илгари қандайдир “сингульяр” ҳолатдан пайдо бўлган. Бу “сингульяр” ҳолат температураси $10^{32} K$ (Планк температураси), зичлиги $10^{93} g/cm^3$ (Планк зичлиги) бўлган. Портлаш содир бўлгандан кейин Коинот тўхтовсиз кенгайиб ва совиб бормоқда. Портлашдан олдин Коинот бир жинсли ва изотроп муҳит бўлиб у ниҳоятда юқори энергия зичлиги, температура ва босимга эга бўлган. Коинотнинг кенгайиши ва совуши билан газнинг конденсацияланиб суюқликка айланишига ўхшаш элементар зарралар учун фазо ўтишлари содир бўлган. Тахминан Планк эраси бошланганидан $10^{-35} s$ вақт ўтганидан кейин фазо ўтиши содир бўлган ва у Коинотнинг экспоненциал кенгайишини таъминлаган (Планк вақти-Катта портлашдан кейинги $10^{-43} s$ вақт оралиғи бўлиб бу вақт ичида гравитацион ўзаро таъсир қолган 3 та ўзаро таъсирдан ажralиб чиқсан). Бу даврда кучли ўзаро таъсир электрозаиф таъсирдан ажralиб чиқсан ва кучли ўзаро таъсирлашувчи кварклар лептонлар билан ўта кучсиз таъсирлашаган. Бу давр Космик инфляция номини олган. Бу давр тугагандан кейин Коинотнинг “қурилиш материали” вазифасини кварк-глюон плазма бажарган. Вакт ўтиши билан, тахминан 10^{-11} секунддан кейин, температура яна маълум қийматгача пасайган ва натижада яна бир фазо ўтиши содир бўлган. Бу фазо ўтиши бариогенезис деб номланади ва бу босқичда кварк ва глюонлар протон ҳамда нейтрон каби барионларга бирлашади. Бу босқичда бир вақтнинг ўзида материя ва антиматериянинг асимметрик ҳосил бўлиши (материя антиматерияга нисбатан кўпроқ ҳосил бўлган) билан бирга антиматерия тўлиқ материя билан

²⁵ B.Povh, K.Rith, Ch. Shcolz, F. Zetsche. Particles and Nuclei. An introducthion to the physical concepts. 2008. Springer, Berlin-Heidelberg. P. 322-324

аннигиляцияланиши натижасида нурланишга айланган. Температуранинг кейинги пасайиши, тахминан 10^{-6} с дан кейин, кейинги фазо ўтишига - ҳозирги қўринишдаги элементар зарралар ва фундаментал кучлар юзага келишига олиб келган. Шундан кейин нуклосинтез эраси бошланган ва бу эрада протонлар нейтронлар билан бирикиб дайтерий, гелий-4 ва яна бир неча енгил изотоплар ядроининг ҳосил бўлишига олиб келган. Коинотнинг кейинги кенгайиши ва температуранинг пасайиши натижасида навбатдаги ўтиш даври содир бўлган ва бу даврда гравитация асосий кучга айланган. Катта портлашдан 380 минг йил ўтгач температура шу даражада пасайиши натижасида водород атомларининг пайдо бўлиши мумкин бўлган (бунгача протонларнинг ионизацияси ва электронлар билан рекомбинацияси мувозанатда бўлган). Рекомбинация эрасидан кейин нурланиш учун материя шаффоф қўринишга келган ва нурланиш фазода эркин тарқала олган ҳамда бизнинг кунларгача реликт нурланиш қўринишида етиб келган.



Катта портлаш назарияси (инглизча Big Bang Theory) га кўра Коинот пайдо бўлиши арафасида ўта зич ва қайноқ ҳолатда бўлган ва бу ҳолат космологик сингулярлик деб аталади^{26 27}.

6.4 Олам пайдо бўлишининг босқичлари

²⁶ Gustavo Yepes, Stefan Gottl, Yehuda Hoffman Dark Matter in the Local Universe (англ.) // New Astronomy Reviews. — 2014. — arXiv:1312.0105.

²⁷ A.Moni Bidin et al. Kinematical and chemical vertical structure of the Galactic thick disk. II. A lack of dark matter in the solar neighborhood (англ.) // The Astrophysical Journal. — 2012.

Коинотнинг кузатилаётган кенгайишини вақтни орқага буриб ўтмишдаги дастлабки вақтга ва чексиз юқори зичлик ҳамда температура ҳолатига экстраполяция қилиш учун умумий нисбийлик назарияси ва бошқа гравитациянинг альтернатив назарияларидан фойдаланилади. Лекин бу дастлабки ҳолатга қандай қилиб келинган ёки коинот ушбу дастлабки ҳолатдан олдин қандай ҳолатда бўлган деган саволга жавоб йўқ. Назария катта портлашгача бўлган ҳолатгача қандайдир ҳолатнинг мавжуд бўлганини инкор қилмайди. Дастлабки даврда Коинот ўлчамлари 0 га тенг бўлган, у битта нуқтага сиқилган бўлган. Бу ҳолат космологик сингулярлик ҳолати дейилади ва классик Умумий нисбийлик назариясининг Коинотни етарлича баён қила олмаслигини билдиради. Бу сингулярликнинг қанчалик яқинигача биз билган физика қонунларини экстраполяция қилиш мумкинлиги аниқ эмас. Ва Планк эрасигача бўлган даврга маълум методларни қўллаш мумкин эмаслиги умум эътироф қилинган. Кўпчилик олимлар бу даврни Коинотнинг “туғилиши” (ёки “яратилиши”) деб аташади. Умумий нисбийлик назариясининг космологик моделларида сингулярлик бўлмаслиги мумкин эмаслиги Р.Пеноуз ва С.Хокинг томонидан 1960 йилларнинг охирида исботланган. Унинг мавжудлиги гравитациянинг альтернатив назарияларини қуриш учун асос ҳисобланади²⁸.

Коинотнинг кейинги эволюцияси

Катта портлаш назариясига кўра, унинг кейинги эволюцияси ўлчанадиган экспериментал параметр – Коинотдаги модданинг ўртacha зичлигига боғлиқ. Агар зичлик қандайдир критик (назариядан маълум) қийматдан ошмаса Коинот абадий кенгаяверади, агар зичлик критик қийматдан катта бўлса кенгайиш жараёни қачонлардир тўхтайди ва сиқилиш фазаси бошланади. Бу фаза дастлабки сингуляр ҳолатга олиб келади. Ҳозирда модданинг ўлчанганди ўртacha зичлиги тўғрисидаги тажриба натижаларининг аниқлиги юқори эмас. Шу сабабли Коинотнинг кейинги эволюцияси

²⁸ P. A. R. Ade et al. (Planck Collaboration) (22 March 2013). «Planck 2013 results. I. Overview of products and scientific results – Table 9». *Astronomy and Astrophysics* 1303:5062. arXiv:1303.5062. Bibcode: 2013arXiv1303.5062P.

тўғрисидаги бу иккала вариантинг қайсиини тўғрилиги тўғрисида хulosа чиқаришга ҳали эрта. Катта портлаш назарияси ҳозирча тушунтира олмайдиган саволлар ҳам мавжуд. Лекин бу назариянинг асосий ҳолатлари ишончли эксперимент натижалари билан тасдиқланган. Замонавий назарий физика Коинот эволюциясини вақт бўйича ишончли тушунтириб бера олади.

Фақат энг бошлангич босқични, яъни “Оlam бошланиши”нинг $\frac{1}{100}c$ гача бўлган даврини тушунтира олмайди. Бу давр унча ҳам аҳамиятга эга эмас. Бундан кейинги даврларни эса катта аниқликда тушунтириб бериш имконияти мавжуд.

Катта портлаш назариясининг пайдо бўлиш тарихи

- 13.73 ± 0.12 млрд йил олдин Катта портлаш содир бўлган.
- 1916 йил - А.Эйнштейннинг “Умумий нисбийлик назарияси асослари” номли илмий иши нашр қилинди ва унда гравитациянинг релятивистик назариясининг яратилиши ўз ниҳоясига етди.
- 1917 йил - Эйнштейн ўзининг майдон тенгламалари асосида эгриликка эга ва вақт доимий бўлган фазо тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтирди (Космологиянинг фан сифатида юзага келишини билдирувчи Эйнштейннинг Коинот модели). Космологик параметр-Л ни фанга киритди. Кейинчалик космологик параметрнинг киритилишини ўзининг хатоси эканлигини таъкидлади, лекин ҳозирда бу параметр -Л Коинот эволюциясида энг муҳим роль ўйнаши маълум. В.де Ситтер Коинотнинг космологик моделини ўзининг “Гравитациянинг Эйнштейн назарияси ва унинг астрономик натижалари” номли мақоласида илгари сурди (де Ситтер модели).

- 1922 -математик ва геофизик А.А.Фридман Эйнштейн гравитация тенгламасининг ностационар ечимини топди ва Коинотнинг кенгаяётганини хulosа сифатида келтирди (Ностационар космологик модель-Фридман ечими номи билан машҳур). Бу ҳолатни агар ўтмишга томон экстраполяция қилсак, дастлабки вақтда Коинотнинг барча моддаси компакт соҳада тўпланган ва шу ҳолатдан портлаш натижасида атрофга ёйилган деган хulosа чиқариш

мумкин. Коинотда жуда тез портлашга ўхшаш жараёнлар содир бўлиб турганлиги сабабли Фридманда Коинотнинг бошланишида ҳам шундай портлаш жараёни, яъни Катта портлаш содир бўлган деган фикр пайдо бўлган.

• 1923 йил-немис математиги Г.Вейль агар бўшлиқдан иборат де Ситтер моделига модда жойлаштирилса унинг кенгайишини таъкидлади. Де Ситтер моделининг турғунмаслиги тўғрисида А.Эддингтон томонидан шу йили нашр қилинган китобда ҳам айтиб ўтилган.

• 1924 йил -К.Вирц галактикалар бурчак диаметрлари ва узоқлашиш тезликлари орасида кучсиз корреляция мавжудлигини аниқлади. Бу корреляция унга объектлар узоқлашиш тезлигининг масофа ошиши билан ошишини кўрсатувчи де Ситтер космологик модели билан боғлиқ бўлиши керак деган хулоса чиқаришга олиб келди.

• 1925 йил -Вирц ишларини такрорлаган К. Э. Лундмарк ва Штремберг ишончли натижалар олишмади. Галактикалар диаметри ва ялтираши уларгача бўлган масофани аниқлаш учун қретерий бўлмаслиги аниқ бўлди. Шу йили бўш бўлмаган Коинотнинг кенгайиши тўғрисида бельгиялик назариётчи Ж.Леметрнинг мақоласи нашр қилинди.

• 1927 йил -Ж.Леметрнинг “Галактикадан ташқари туманликлар радиаль тезликларини тушунтирувчи доимий массали бир жинсли ва радиуси катталашаётган Коинот” номли мақоласи нашр қилинди. Бу мақолада келтирилган тезлик ва масофа орасидаги пропорционаллик коэффициенти Э.Хаббл томонидан 1929 йилда топилган қийматга яқин бўлиб чиқди. Леметр биринчи бўлиб кенгаяётган Коинот объектлари тақсимоти, уларнинг ҳаракат тезликлари Космологиянинг предмети бўлиши кераклигини айтиб ўтди. Коинот объектларига эса юлдузлар эмас, балким гигант юлдуз тизимлари, галактикалар кириши айтилган. Леметр Хаббл натижаларига таянган, у билан эса 1926 йили АҚШда танишган ва унинг маъruzасида қатнашган.

• 1929 йил -17 январда АҚШ Миллий академияси тўпламига Хьюмасоннинг NGC 7619 объектининг нур тезлигигига доир ва Хабблнинг “Галактикадан ташқари туманликлар масофаси ва нур тезликлари орасидаги

боғлиқлик” мавзусидаги мақолалар қабул қилинди. Бу масофаларни нур тезликлари билан таққослаш тезликнинг масофа билан чизиқли боғлиқлигини кўрсатди. Ҳозирда бу боғлиқлик Хаббл қонуни дейилади.

• 1948 йил -Г.А.Гамовнинг Фридманнинг кенгаяётган Коинот назарияси асосида қурилган “қайноқ Коинот” тўғрисидаги мақоласи нашр қилинди. Фридман фикрича олдин портлаш содир бўлган. Портлаш Коинотнинг ҳамма жойида ва бир вақтда содир бўлган. Бунда фазо жуда зич модда билан тўлган ва бу моддадан миллиардлар йил кейин Коинотнинг ҳозирда кузатиладиган жисмлари – Қуёш, юлдузлар, галактикалар, планеталар, шу жумладан Ер ва ундаги барча нарсалар пайдо бўлган. Гамов Оламнинг дастлабки моддаси на фақат ўта зичлигидан ташқари у ўта қайноқ бўлганини қўшиб қўйди. Гамов ғояси шундан иборат эдики, дастлабки Коинотнинг қайноқ ва зич моддасида ядро реакциялари содир бўлган. Бу ядро қозонида бир неча дақиқада енгил кимёвий элементлар синтези содир бўлган. Космик фон нурланишининг олдиндан башорат қилиниши бу назариянинг энг яхши натижаси ҳисобланади. Термодинамика қонунларига кўра электромагнит нурланиш қайноқ модда билан биргаликда дастлабки Коинотнинг “қайноқ” даврида мавжуд бўлган. Оламнинг кенгайиши натижасида бу нурланиш йўқолмайди ва кучли совуган ҳолда ҳозирда ҳам мавжуд. Гамов ва унинг ходимлари бу қолдиқ нурланишининг бугунги температурасини тахминан баҳолашга эришишди. Бу температура жуда паст, абсолют нолга яқин бўлиб чиқди. Астрономик катталиклардаги ноаниқликларни эътиборга олинса бу нурланиш температураси $1 \div 10K$ оралиқда ётиши кўрсатилди. 1950 йилда Гамов ўзининг илмий-оммабоп мақоласида (Physics Today, №8, Р.76) бу температура тахминан $3K$ га тенглигини эълон қилди.

• 1955 йил -радиоастроном Тигран Шмаонов тажрибада ЎЮЧ да тахминан $3K$ температурада шовқин нурланиши мавжудлигини топди.

• 1964 йил -америқалик радиоастрономлар А.Пензиас ва Р.Вилсон космик фон нурланиши мавжудлигини кашф қилишди ва унинг температурасини аниқлашди. Бу температура тахминан $3K$ эканлигини аниқлашди. Бу

Космологиядаги 1929 йили Хаббл томонидан Коинотнинг умумий кенгайиши аниқлангандан буён топилган энг йирик кашфиёт бўлди. Гамов назарияси шу билан тўлиқ тасдиқланди. Ҳозирда Коинотдаги мавжуд бу нурланиш реликт нурланиши деб аталади. Бу терминни астрофизик И.С.Шкловский фанга киритган.

- 2003 йил -Хаббл космик телескопи ва бошқа манбалар томонидан олинган маълумотлар Ламбда - CDM космологик модель ва инфляцион назария тўғрилигини тасдиқлади. Коинот ёши ва материя турларининг масса бўйича тақсимоти (барион материя - 4%, қора материя – 23%, қора энергия – 73%) катта аниқликда ўрнатилди.
- 2009 йил - реликт нурланиш анизатропиясини янада юқори аниқликда ўлчашга мўлжалланган Планк сунъий йўлдоши учирилди²⁹.

“Катта портлаш” термини тарихи

Дастлаб бу назария “Динамик эволюцияланувчи модель” деб номланган. “ Катта портлаш” термини биринчи марта Фред Хойл томонидан 1949 йилдаги маъruzасида ишлатилган.

Олам истиқбол эволюцияси

Катта портлаш назариясига қарши бўлганларнинг айримлари Коинот стационар, у эволцияланмайди, коинотнинг боши ва ниҳояси мавжуд эмас деб ҳисоблашади. Улар Коинотнинг кенгайишини инкор қилишади ва “қизил силжиш”ни ёруғликнинг “кексайиши” гипотезаси орқали тушунтиришади. Лекин бу гипотеза ҳам кузатиш натижаларига тўғри келмади. Масалан, ўта янги юлдуз нур сочиш давомийлигининг унгача бўлган масофага боғлиқлиги орасидаги кузатиладиган боғланишни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. .

Катта портлаш назарияси қонунлари Коинотнинг биз кузатадиган қисмидагина (Метагалактикада) ўринли деган қараш ҳам мавжуд.

²⁹ Francis, Matthew. First Planck results: the Universe is still weird and interesting. Arstechnica (22 March 2013).

Бундан ташқари КПН ўзи ҳам сингулярликнинг пайдо бўлишини тушунтириб бера олмайди³⁰.

Назорат саволлари:

1. Олам тўғрисидаги тасаввурлар ривожланишини тушунтиринг.
2. Олам тўғрисидаги назарияларни тушунтиринг.
3. Катта портлаш назариясини тушунтиринг.
4. Олам пайдо бўлишининг босқичларини тушунтиринг.
5. Олам истиқбол эволюциясини тушунтиринг.

Фойдаланган адабиётлар:

1. *Gustavo Yepes, Stefan Gottl, Yehuda Hoffman* Dark Matter in the Local Universe (англ.) // New Astronomy Reviews. — 2014. — arXiv:1312.0105.
2. *A.Moni Bidin et al.* Kinematical and chemical vertical structure of the Galactic thick disk. II. A lack of dark matter in the solar neighborhood (англ.) // The Astrophysical Journal. — 2012.
4. *Francis, Matthew.* First Planck results: the Universe is still weird and interesting. Arstechnica (22 March 2013).
5. Planck captures portrait of the young Universe, revealing earliest light. University of Cambridge (21 March 2013).

³⁰ Planck captures portrait of the young Universe, revealing earliest light. University of Cambridge (21 March 2013).

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс. Катта адрон коллайдери мавзуси бўйича мустақил ишни самарали ташкил этиш учун қандай ишларни амалга ошириш керак деб ўйлайсиз?

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
Мустақил ишни самарали ташкил этишнинг қандай ечимлари мавжуд бўлиши мумкин?	<p>1. Мустақил иш мавзуларини талабалар имкониятига ҳисобга олиб бериш.</p> <p>2. Мавзу бўйича режаларни тузишга ёрдамлашиш.</p> <p>3. Мавзу бўйича фойдаланиладиган адабиётларни бериш.</p> <p>4. e-mail, телефон орқали мустақил ишни тайёрлаб топшириш ҳақида огоҳлантириш.</p> <p>5. АКТдан фойдаланиб мустақил иш камчиликларини кўрсатиб беришга эришиш ва х.к.</p>	Талаба мустақил ишни етарлича талаблар асосида тайёрлашга эришади.

2-Кейс. Материя тўғрисидаги замонавий қарашлар: қора материя, қора энергия, гравитацион тўлқинлар мавзуси бўйича мустақил ишни бажаришда бу З та ташкил этувчини боғлаб турган умумийлик нимада?

Муаммо (асосий ва кичик	Ечим	Натижа
-------------------------	------	--------

муаммолар)		
Қора материя, қора энергия ва гравитацион түлқинларни боғлаб турган умумийлик нимада?	<p>1. Қора материя нималиги, турлари ва классификация сини элаш керак.</p> <p>2. Қора энергия моҳияти, турларини элаш керак.</p> <p>3. Гравитацион түлқинлар нималигини элаш ва материянинг қайси турига мансублигини фикрлаш керак.</p> <p>4. Юқоридагилар асосида хулоса қилиш керак.</p>	Агар кўрсатилган ечимлар бажарилса уларни боғлаб турган умумийлик аниқланади.

З-кейс. Физика ва астрономия фанларининг ривожланиш йўналишлари учун умумийлик нимада кўринади?

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
Физика ва астрономия фанларининг ривожланиш йўналишлари учун умумийлик?	<p>1. Физика ва астрономия нинг ривожланиш йўналишларини элаш керак.</p> <p>2. Бу йўналишлар учун умумий характерни аниқлаш керак?</p> <p>3. Бу умумийликни барча йўналишлар учун хос бўлган бирор катталиклар орасидан излаш керак.</p>	Кўрсатилган ечимлар бажарилса, изланган умумийлик албатта аниқланади.

Ушбу модул бўйича лойиҳа мавзулари қилиб модулга кирган мавзуларни ёки уларнинг бир қисмини танлаш мумкин. Бундан ташқари модул моҳиятидан келиб чиқиб физика ва астрономия фанларида эришилган энг сўнгги янгилик (яъни, модулга кирмаган мавзулар) лар бўйича ҳам лойиҳа ишлари бажариш мумкин. Бу лойиҳа ишларини ҳам юқорида қўрсатилган кейслар шаклида амалга ошириш, яъни мантиқан кетма-кетликда тузилган режа асосида шакллантириш лойиҳани мазмунан тўла шаклан ихчам бажаришни таъминлайди. Лойиҳани бажаришда мавзунинг маъruzаларда ёритилмаган томонларини тўла ва бошқа бўлим ёки муаммолар билан боғлаган ҳолда шакллантириш талаб қилинади. Чунки, маълумотлар ҳажми катталиги сабабли мавзунинг барча томонларини батафсил ёритишнинг имкони йўқ ва маъруза давомида фақат асосий маълумотларни етказиш назарда тутилади.

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шархи	Инглиз тилидаги шархи
Нейтрино осцилляцияси	Квант механик ҳодиса бўлиб, маълум турдаги (электрон, мюон ёки тау нейтрино) маълум вактдан кейин бошқа турдаги нейтринога айланади	Neutrino oscillation is a quantum_mechanical phenomenon whereby a neutrino created with a specific lepton flavour (electron, muon, or tau) can later be measured to have a different flavour
Қора материя	Гипотетик кўринмас модда тури бўлиб Коинот массасининг тахминан 20% ини ташкил қиласи. Халигача тажрибада кузатилмаган.	Dark matter is a hypothetical invisible substance that is approximately 20% of the matter in the universe. Although it has not been directly observed
Қора энергия	Гипотетик энергия тури бўлиб бутун Коинотни тўлдириб туради ва Коинотнинг тезланиши билан кенгайишини таъминлайди.	Dark energy is an unknown form of energy which is hypothesized to permeate all of space, tending to accelerate the expansion of the universe.
Гравитацион тўлқинлар	Гравитацион тўлқинлар -маълум гравитацион манбаларда ҳосил бўладиган фазо-вакт метрикаси ғалаёнланишининг манбадан ажралгандан кейин тўлқинга ўхшаб тарқалишидир.	Gravitational waves are ripples in the curvature of space time that propagate as waves, generated in certain gravitational interactions and travelling outward from their source.
Нанофизика	Нанометр ўлчамлардаги структура ва тузилмалар ва наносекундларда содир бўладиган ҳодисалар физикаси.	Nanophysics is the physics of structures and artefacts with dimensions in the nanometre range or of phenomena occurring in nanoseconds
Нанотехнология	Нанотехнология-100 нм ўлчамгача бўлган	Nanotechnology is the science of designing, producing,

	структурасынан қаралады.	and using structures and devices having one or more dimensions of about 100 millionth of a millimetre (100 nanometres) or less.
Иссиқ қора материя	Иссиқ қора материя (ИҚМ) ультрапрелиativистик тезликларда ҳаракатланувчи зарралардан ташкил топган қора материянинг туридир.	Hot dark matter (HDM) is a form of dark matter which consists of particles that travel with ultrarelativistic velocities.
Совук қора материя	Совук қора материя (СҚМ) -зарралари ёруғлик тезлигига нисбатан секин ҳаракатланадиган гипотетк қора материянинг тури.	Cold dark matter (CDM) is a hypothetical form of dark matter whose particles moved slowly compared to the speed of light.
Илиқ қора материя	Илиқ қора материя (ИҚМ) – гипотетик қора материянинг тури бўлиб унинг хусусиятлари иссиқ ва совук қора материя орасидаги ҳолатга эга бўлади.	Warm dark matter (WDM) is a hypothesized form of dark matter that has properties intermediate between those of hot dark matter and cold dark matter.
Суперсимметрия	Суперсимметрия (СУСИ) - фазо – вакт симметриясининг таклиф қилинган шакли бўлиб, бу симметрия бутун спинли бозонлар ва каср спинли фермионларни бир-бiri билан боғлайди.	Supersymmetry (SUSY) is a proposed type of spacetime symmetry that relates two basic classes of elementary particles: bosons, which have an integer-valued spin, and fermions, which have a half-integer spin. ¹
Графен	Гексогонал решетка шаклига эга углерод атомларининг бир атом қалинлигига эга катлами.	Graphene is a one-atom-thick layer of carbon atoms arranged in a hexagonal lattice.
Углерод нанотрубкалари	Углерод нанотрубкалари (УНТ) цилиндрик кўринишда	Carbon nanotubes (CNTs) are allotropes of carbon with a cylindrical nanostructure.

	бирлашган углерод атомлари.	
Молекуляр винт	Молекуляр пропеллер (винт) лар — винт шаклидаги наноўлчамдаги молекулалар, улар махсус шакллари (микроскопик винт) ҳисобига айланма ҳаракатлана оладилар.	Molecular propeller is a molecule that can propel fluids when rotated, due to its special shape that is designed in analogy to macroscopic propellers.
Нанороботлар	Нанороботлар— молекула ўлчамига тенг наноматериаллардан ясалган роботлар, улар ҳаракатлана оладилар, маълумотни қайта ишлайди ва узата олади, дастурларни бажара оладилар.	Nanorobots are the robots made of nanomaterials. They can move, processing and transmitting information, perform programs.
Молекуляр ротор	Молекуляр ротор - наноўлчамли двигателлар, етарли даражадаги энергия берилганда улар айлантирувчи (буразма) момент ҳосил қилишади.	Molecular rotors are molecular machines capable of rotation under energy input.
Плазмон	Плазмон — плазма осцилляцияси кванти, ёруғлик фотонлардан иборат бўлгани каби плазма осцилляцияси плазмонлардан иборат.	Plasmon is a quantum of plasma oscillation. As light consists of photons, the plasma oscillation consists of plasmons
Нанокристалл	Нанокристалл ўлчами 100 нм дан кичик материал бўлиб, атомлардан тузилган бўлади.	Nanocrystal is a material particle having at least one dimension smaller than 100 nanometres (a nanoparticle) and composed of atoms.
Аэрографит	Синтетик кўпик бўлиб углерод	Aerographite is a synthetic foam consisting of a porous

	трубкаларининг аморф тузилмасидан иборат. Унинг зичлиги 180 г/м ³ бўлиб энг енгил конструкцион материал хисобланади.	interconnected network of tubular carbon. With a density of 180 g/m ³ it is one of the lightest structural materials ever created.
Нано аккумулятор	Литий-ион аккумулятори тури бўлиб, унда графит анод кремний наноўтказгичи қопланган зангламайдиган пўлат анод билан алмаштирилган.	Nano accmulator — type Li-ion battery that consists in the replacement of traditional graphicboard battery stainless steel anode covered in silicon nanorobotics

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. B.Povh, K.Rith, Ch. Shcolz, F. Zetsche. Particles and Nuclei. An introduction to the physical concepts. 2008. Springer, Berlin-Heidelberg. -395 p.
2. Ch.W.Fay. Introduction to modern physics. Ferris state university press. 2011. -157 p.
3. Astronomers Accurately Measure the Mass of Neutrinos for the First Time. *scitechdaily.com*.
4. Foley, James A. Mass of Neutrinos Accurately Calculated for First Time, Physicists Report. *natureworldnews.com*
5. «Evidence for Massive Neutrinos from Cosmic Microwave Background and Lensing Observations». *Physical Review Letters* (2014) **112** (5): 051303. arXiv:1308.5870v2. DOI:10.1103/PhysRevLett.112.051303. PMID 24580586.Bibcode: 2014PhRvL.112e1303B.
6. Shaun A. Thomas, Filipe B. Abdalla, and Ofer Lahav Upper Bound of 0.28 eV on Neutrino Masses from the Largest Photometric Redshift Survey (англ.) // *Phys. Rev. Lett.*. — 2010. — Vol. 105, fasc. 3. — P. 031301.
7. Measurement of the neutrino velocity with the OPERA detector in the CNGS beam, 22 Sep 2011
8. OPERA experiment reports anomaly in flight time of neutrinos from CERN to Gran Sasso // CERN Press Release, 23 February 2012, Update 8 June 2012 (англ.)
9. ICARUS Collaboration et al. Measurement of the neutrino velocity with the ICARUS detector at the CNGS beam // *Physics Letters B*. — 2012. — Vol. 713 (18 июля). — P. 17–22. — arXiv:1203.3433. — DOI:10.1016/j.physletb.2012.05.033.
10. http://neutrino.physics/wisc/oscPRL/DYB_EWNP_v5.pdf [edu/databay/2012-03-08-
http://neutrino.physics/wisc/oscPRL/DYB_EWNP_v5.pdf](http://neutrino.physics/wisc/oscPRL/DYB_EWNP_v5.pdf)
11. MiniBooNE results suggest antineutrinos act differently // FremiLab Today, 10.06.2010

12. A.A.Aguilar-Arevalo *et al.* (*MiniBooNE collaboration*) Unexplained Excess of Electron-Like Events From a 1-GeV Neutrino Beam (англ.) // Phys.Rev.Lett.. — 2009. — Vol. 102. — P. 101802. — DOI:10.1103/PhysRevLett.102.101802.
13. A.A.Aguilar-Arevalo *et al.* (*MiniBooNE collaboration*) Event Excess in the MiniBooNE Search for $\bar{\nu}_\mu \rightarrow \bar{\nu}_e$ Oscillations (англ.) // Phys.Rev.Lett.. — 2010. — Vol. 105. — P. 181801. — DOI:10.1103/PhysRevLett.105.181801.
14. A luminous future for the LHC, CERN Courier, Feb 23, 2015.
15. The Future Circular Collider study, CERN Courier, Mar 28, 2014.
16. *LHCb Collaboration*. First observation of $B_s^0 \rightarrow J/\psi f_0(980)$ decays // Physics Letters B. — 2011. — T. 698, № 2. — C. 115—122. — DOI:10.1016/j.physletb.2011.03.006. — arXiv:1102.0206.
17. *LHCb Collaboration*. First observation of $B_s \rightarrow D_{s2}^{*-} X \mu \nu$ decays // Physics Letters B. — 2011. — T. 698, № 1. — C. 14-20. —
18. Gustavo Yepes, Stefan Gottl, Yehuda Hoffman Dark Matter in the Local Universe (англ.) // New Astronomy Reviews. — 2014. — arXiv:1312.0105.
19. A.Moni Bidin *et al.* Kinematical and chemical vertical structure of the Galactic thick disk. II. A lack of dark matter in the solar neighborhood (англ.) // The Astrophysical Journal. — 2012.
20. P. A. R. Ade *et al.* (Planck Collaboration) (22 March 2013). «Planck 2013 results. I. Overview of products and scientific results – Table 9». *Astronomy and Astrophysics* 1303:5062. arXiv:1303.5062. Bibcode: 2013arXiv1303.5062P.
21. Francis, Matthew. First Planck results: the Universe is still weird and interesting. *Arstechnica* (22 March 2013).
22. Planck captures portrait of the young Universe, revealing earliest light. University of Cambridge (21 March 2013).
23. Governato, F.; Brook, C.; Mayer, L.; Brooks, A.; Rhee, G.; Jonsson, P.; Willman, B.; Stinson, G.; Quinn, T.; Madau, P. (Jan 20, 2010). «Bulgeless dwarf galaxies and dark matter cores from supernova-driven outflows». *Nature* 463: 203–206. arXiv:0911.2237. DOI:10.1038/nature08640. Bibcode: 2010Natur.463..203G.

24. Extra dimensions, gravitons, and tiny black holes. CERN. 17 November 2014.
25. Looking for a different sort of dark matter with GPS satellites (19 November 2014).
26. (22 March 2013) «Planck 2013 results. I. Overview of products and scientific results –Table 9.». *Astronomy and Astrophysics* (submitted). arXiv:1303.5062. Bibcode: 2013arXiv1303.5062P.
27. *Francis, Matthew*. First Planck results: the Universe is still weird and interesting. *Arstechnica* (22 March 2013).
28. Planck captures portrait of the young Universe, revealing earliest light. University of Cambridge (21 March 2013).
29. LIGO: A Quest for Gravity Waves. *Astro Guyz* March 12, 2010.
30. *Emanuele Berti*. Viewpoint: The First Sounds of Merging Black Holes (англ.). *Physical Review Letters* (11 February 2016).
31. *R. N. Manchester* Pulsars and gravity // International Journal of Modern Physics D. — 2015. V.24. —DOI:10.1142/S0218271815300189. — arXiv:arXiv:1502.05474.
32. James E. McClellan III, Harold Dorn. Science and Technology in World History. Second Edition. Johns Hopkins university press, 2006. p.263
33. R. V. Lapshin (2004). «Feature-oriented scanning methodology for probe microscopy and nanotechnology» (PDF). *Nanotechnology*(IOP) **15** (9): 1135-1151. DOI:10.1088/0957-4484/15/9/006. ISSN 0957-4484.
34. *R. V. Lapshin*. Encyclopedia of Nanoscience and Nanotechnology / H. S. Nalwa. — USA: American Scientific Publishers, 2011. — Vol. 14. — P. 105-115. — ISBN 1-58883-163-9.